



O'zbekiston Respublikasi
IIV nashri

ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

POSTDA



Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqq boshlagan • E-mail: postda@evo.uz • 2015-yil 14-fevral, shanba • № 07(4108)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASI AЪZOLARINI TАСДИҚЛАШ TЎГРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ваколатларини зиммасидан соқит қилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақлифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январдаги қарорларига мувофиқ Бош вазир лавозимига Ш.М.Мирзиёев тасдиқланган.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ:

Мирзиёев Шавкат Миромонович — Бош вазир

қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси раҳбари,

1. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

2. Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси фаолиятини мувофиқлаштиради

Азимов Рустам Содиқович — Бош вазирнинг биринчи ўринбосари — молия вазири

макроиқтисодий ривожлантириш, таркибий ўзгартиришлар, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари комплекси раҳбари,

1. Иқтисодиёт вазирлиги

2. Молия вазирлиги

3. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги

4. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги

5. Давлат солиқ кўмитаси

6. Давлат божхона кўмитаси

7. Давлат статистика кўмитаси

8. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси

9. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини мувофиқлаштиради

Зокиров Ботир Ирқинович — Бош вазир ўринбосари — Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси раиси

коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплекси раҳбари,

1. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги

2. Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси фаолиятини мувофиқлаштиради

Ибрагимов Фуломжон Иномович — Бош вазир ўринбосари

геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари комплекси раҳбари,

1. Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси фаолиятини мувофиқлаштиради

Розуқулов Улуғбек Убайдуллаевич — Бош вазир ўринбосари — «Ўзавтосаноат» АК бошқаруви раиси

машинасозлик, автомобиль ва электротехника саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари комплекси раҳбари

Икромов Адҳам Илҳомович — Бош вазир ўринбосари маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижти-

мой муҳофаза масалалари комплекси раҳбари,

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2. Халқ таълими вазирлиги

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги

4. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги фаолиятини мувофиқлаштиради

Боситхонова Элмира Ирқиновна — Бош вазир ўринбосари — Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси раиси

Вазирликлар

Саидова Галина Каримовна — Иқтисодиёт вазири

Ганиев Элёр Маждович — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири

Абдуҳакимов Азиз Абдуқаҳарович — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири

Тешаев Шухрат Жўрақулович — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири

Мирзоҳидов Хуршид Мирсобирович — Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири

Бердиев Қобул Раимович — Мудофаа вазири

Аҳмедбоев Адҳам Акрамович — Ички ишлар вазири

Комилов Абдулазиз Ҳафизович — Ташқи ишлар вазири

Икромов Музаф Мубаракходжаевич — Адлия вазири

Алимов Анвар Валиевич — Соғлиқни сақлаш вазири

Ваҳобов Алишер Восиқович — Олий ва ўрта махсус таълим вазири

Иноятов Улуғбек Илёсович — Халқ таълими вазири

лавозими бўйича — Маданият ва спорт ишлари вазири

Худайбергенов Турсинхон Айдарович — Фавқулодда вазиятлар вазири

Давлат кўмиталари

Парпиев Ботир Раҳматович — Давлат солиқ кўмитаси раиси

Дусанов Зоҳид Абдуқаюмович — Давлат божхона кўмитаси раиси

Тўраев Ботир Эшбоевич — Давлат статистика кўмитаси раиси

Хидоятлов Даврон Абдулпаттахович — Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси раиси

Арабов Саидкул Амирович — Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси раиси

Тўрамуратов Илҳомбой Бекчинович — Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси раиси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолари этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига лавозими бўйича киради.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 11 февраль

Чақирув – 2015



Ўзини шу Ватаннинг чин фарзанди деб билган ҳар қандай киши эл-юрт осойишталигини таъминласам, унинг ҳимояси йўлида фидойилик билан хизмат қилсам дейди. Миллий армиямизда йигитлик бурчини ўташга жазм этган, мамлакатимизни ҳар қандай хавф-хатардан муносиб ҳимоя қилишга шайланган юрт ўғлонларини ана шундай инсонлар дейиш мумкин. Айти пайтда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Куролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан кенг кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йигин пунктида бир гуруҳ йигитларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

ВАТАН ХИЗМАТИГА ШАЙ ЎҒЛОНЛАР



ЎЗБЕКИСТОН



ҲАФТА ИЧИДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда бир қатор вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судлар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирок этдилар. Депутатлар Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитдилар. Ҳар томонлама муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, депутатлар Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини маъқулладилар ва тегишли қарор қабул қилдилар.

* * *

● Пойтахтимизда Ўзбекистон экологик ҳаракатининг 2014 йилда амалга оширган ишлари сарҳисоби ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлик гуруҳи олдида турган долзарб вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда ҳисобот даврида Ўзбекистон экологик ҳаракати жойларда кўплаб амалий-таҳлилий тадбирлар ўтказгани, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш йўналишида юзга яқин урчашув ташкил этгани таъкидланди. Жумладан, фуқаролардан келиб тушган беш юзга яқин мурожаатни ўрганиш мақсадида қатор рейдлар ўтказилган.

* * *

● Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрида Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишланган «Зулфиядан таралар зиё» мавзусида адабий кеча бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда ёшлик, баҳор ва муҳаббат туйғусини юксак пардаларда тараннум этган шоиранинг ибратли ҳаёти ва адабий мероси ҳақида сўз юритилди.

* * *

● Тошкент шаҳрида Президентимизнинг «Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида»ги Қарори мувофиқ, ушбу тадбирнинг 2014 йил якунлари бўйича ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Якуний натижаларга кўра, «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки «Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки» деб топилди.

* * *

● Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги саратонга қарши кураш учун 20 донa радиотерапевтик қурилмани сотиб олишни бошлади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда онкологик хизматни ривожлантириш дастури амалга ошириляётган бўлиб, бу дастурда юртимиздаги тиббиёт муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

Тадбир

НАВОИЙ ҚАЛБЛАРДА МАНГУ

Ёш авлод маънавиятини юксалтириш, она тилимизни кўз қорачиғидек асрашда Алишер Навоий маънавий меросининг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳар йили мамлакатимизда улғу аллома таваллуд топган кун катта тантана билан нишонланади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида улғу шоир таваллудининг 574 йиллигига бағишланган ўтказилган тантанали тадбирда республика ИИВ Тергов бош бошқармаси ходимлари ҳам иштирок этишди. Унда шоир асарларидан намуналар ўқилди, улғу мутафаккир маънавий мероси, ижоди ва фаолияти, жаҳон адабиёти



намоёндаларининг бобомиз ҳақидаги фикрлари тингланди.

Шунингдек, иштирокчилар шоир газалларига басталанган қўшиқлардан баҳраманд бўлишди.

Абу КЕНЖАЕВ.
Муаллиф олган суратлар.

Чақирув – 2015

ВАТАН ХИЗМАТИГА ШАЙ ЎҒЛОНЛАР

(Давоми.
Бошланғичи 1-бетда).

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокимияти, мудофаа ишлари бошқармаси, жамоатчилик ташкилотларидан вакиллар ҳамда бўлғуси аскарларнинг ота-оналари, яқинлари иштирок этди. Таъкидлаш жоизки, муддатли ҳарбий хизматга пойтахт вилоятидан жамланган бу йигитлар эндиликда ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисмларда йигитлик бурчини адо этишади.

Даставвал йиғилганлар учун ИИВ Қоровул қўшинлари ансамбли хонадалари ижроси-

да концерт дастури намоиш этилди. Уларнинг Ватан, она, ҳарбийлик касбини улғуловчи қўшиқлари барчага манзур бўлди. Ота-оналарнинг ўз фарзандлари билан куй-қўшиқларга ўйинга тушиши барчага ўзгача кайфият бахш этди. Шундан сўнг мудофаа ишлари бошқармаси вакиллари, ота-оналар ва муддатли ҳарбий хизматга отланаётган йигитлар номидан сўзга чиққанлар Ватанга хизмат қилиш эр йигитнинг бурчи эканини таъкидлашди. Миллий армиямизда бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилганини қайд этиб,

барча аскарларга омад ёр бўлишини тилашди.

— Бугун биз учун унутилмас кун, — дейди парментлик Зафар Пўлатов. — Йигитлик бурчимизни ўташ учун муддатли ҳарбий хизматга отланаёلمиз. Тумандаги коллежни битирдим. Кўп вақтдан буён спортнинг муайтай тури билан шуғулланаман. Келажакда ҳаётимни ҳарбийлик билан боғлаш ниятим бор: шартнома асосида хизматни давом эттиришни хоҳлайман.

— Ҳамма оналар қатори бугун менинг ҳам қувончим чексиз, негаки, фарзандим Қобилжон Шароповни ҳарбий хиз-

АСКАРЛАР ТАНТАНАЛИ КУТИБ ОЛИНДИ

Ватан химоясидан муқаддас бурч, шарафли вазифа йўқ дунёда. Истиклол йилларида мамлакатимиз Куролли Кучларида амалга оширилган ислохотлар самараси ўларок, ёшлар қалби-шуурига айни шу туйғу чуқур сингдирилиб, миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш улғувор мақсадга айланди. Бугун муддатли ҳарбий хизматга маънан етук, жисмонан соғлом ҳамда мустақил дунёқараш ва пухта билимга эга бўлган йигитларнинг чақириляётгани эса юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги ишончли кўлларида эканлигидан далолатдир.

Тошкент темир йўл вокзалида ИИВ Қоровул қўшинларида муддатли ҳарбий хизмат бурчини ўташ учун келган аскарларни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар Президентимиз, Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислон Қари-



мов раҳнамолигида мамлакатимиз Куролли Кучларида амалга ошириляётган изчил ислохотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлашди.

— Жорий чақирув мавсумида ҳам муддатли ҳарбий хизматга билимдон, қатъиятли ва мард йигитлар саралаб олинди, — дейди ҳарбий қисм командири, подполковник Шуҳ-

рат Шамсутдинов. — Энди улар белгиланган муддат давомида ўқув машғулотида қатнашиб, ҳарбий соҳа бўйича етарли билим, малака ва кўникмага эга бўладилар. Шундан сўнг ҳарбий қисмда ўз бурчини бажаришга киришадилар. Ҳарбий қисмимизда аскарлар учун барча шароитлар яратилган.

Қашқадарё вилояти Қарши туманининг Янгибўғ қишлоғи-

Анжуман

ҚОНУН МОҲИЯТИ ЁШЛАРГА ЕТКАЗИЛДИ

Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университетида Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрда эълон қилинган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни мазмун-моҳиятини талаба-ёшлар онгига сингдириш бўйича анжуман бўлиб ўтди.

Андижон давлат университети ҳамда республика ИИВ Академияси билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбирни университет проректори А. Собиров кириш сўзи билан очиб, қабул қилинган қонуннинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти ҳақида гапирди.

Шундан сўнг ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари ўқитувчиси, капитан Р. Ражапов сўзга чиқиб, мазкур қонуннинг мақсади фуқароларнинг давлат органларига мурожаат этиш тартибини янада такомиллаштиришдан иборат эканлигини таъкидлади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун билан янги Қонун ўртасидаги фарқларни атрафлича тушунтириб берди.

Талабалар анжуман мавзуси юзасидан ўзларининг қизиқтирган барча саволларга жавоблар олишди.

К. БОРИСОВ.
Андижон вилояти.

матга кузатайпман, — дейди Пискент туманидан келган Шаҳринисо Саидқаримова. — Агросаноат коллежини битирган ўғлим банкдан кредит олиб, ўз бизнес-режасини амалга оширмакчи эди. Лекин аввал ҳарбий хизматни ўташим керак, деб туриб олди. Ҳали армияга бормасдан фикри теран, мақсади қатъийлигини кўриб, жуда қувондим. Ўғлим ҳарбий хизматдан оққорани танийдиган, ўз фикрига эга ҳақиқий юрт фарзанди бўлиб келишига ишонаман.

Тадбирда ҳарбий хизматга йўл олган йигитларга Оҳангарон тумани ҳокимиятининг совғалари тақдим этилди. Аскарлар байрамона безатилган дастурхонда тушлик қилишга, яқинлари уларни эзгу тилаклар билан кузатиб қўйишди.

Фозил МАМАШАРИПОВ.

да туғилиб, вояга етган Миржалол Нарзиев болалигидан спортга меҳр қўйди. Мактабда ўқиб юрган пайтида спортнинг таэквандо тури билан шуғуллана бошлади. Қарши Олимпия захиралари коллежига ўқишга киргач, вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда қатнашиб, I ДАН қора белбоғ соҳибига айланди. 2013 йили бўлиб ўтган республика чемпионатида учинчи ўринни эгаллади.

— Муддатли ҳарбий хизматга чақирилиш давомидаги синовлардан муваффақиятли ўтишимда спорт билан шуғулланганим жуда қўл келди, — дейди Миржалол. — Жисмоний тайёргарлик ва тест синовларидан етарли балл тўплаб, муддатли ҳарбий хизматга йўл олганимдан хурсандман. Бир йиллик ҳарбий хизматдан сўнг шартнома асосида ҳарбий хизматни давом эттириш ниятидаман. Чунки юрт тинчлиги, халқ осойишталиги йўлида хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг шарафли вазифасидир.

Камол ОЛЛОЁРОВ.
Абу КЕНЖАЕВ
олган сурат.

Сайлов – 2015



ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАРГА МОС

Ўзбекистон Республикасининг бош стратегик мақсади бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик ҳуқуқий давлат куриш ва кучли фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдан иборат. Ўзбекистон ривожланган давлатларнинг тараққиёт тажрибаси ва андозасидан кўр-кўрона нусха кўчирмасдан, уларнинг яшаш ва сифат даражасига эришишга, миллати, дини ва этникидан қатъи назар, ҳар бир инсон учун барча ҳуқуқлар ва эркинликлар, фаровонлик ва муносиб ҳаёт кечирish кафолатланадиган мамлакатнинг демократик ривожланишини таъминлашга интилмоқда. Айни вақтда, Ўзбекистон ўзининг асл тарихий анъаналари ва миллий кадриятларига содиқ қолаётир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлат ва шахс ўзаро муносабатларининг асосий принциплари ва йўналишларини, давлат ҳокимияти олий органларининг ваколатлари ва фаолият шакллари белгилайди, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишнинг зарурий ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаган.

Мамлакатимизда халқ ҳокимиятичилиги конституциявий принципи биринчи даражада аҳамият касб этади. У давлат ишларини бошқаришнинг мақсади ва негизи бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида қуйидаги қоид мустаҳкамланган: «**Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.**

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади».

Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин. Чунки улар бевосита халқ томонидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига мувофиқ «**Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди».**

Жаҳон конституционализми президентлик институтига қуйидагича тавсиф беради:

Биринчидан, Президент муайян давлат раҳбари, унинг яхлитлиги тимсоли ҳисобланади, олий давлат органлари номидан ҳам мамлакат ичида, ҳам халқаро ҳамжамият даражасида иш қўради.

Иккинчидан, Президент ўз мамлакатни халқини, унинг миллий манфаатларини ифода этади ва халқ номидан фаолият юритади; партиявий, ижтимоий ва бошқа манфаатлар ва ихтилофлардан юқори туради, жамиятни жипслаштирилади, ижтимоий-сиёсий ва давлат ҳаётини йўналтириб боради.

Учинчидан, Президент мамлакатдаги ишларнинг ҳолати учун шахсан жавобгар бўлади, сиёсий барқарорликни таъминлайди, тартиб ва ҳавфсизликни таъминлаш, давлатнинг халқаро мажбуриятларини бажариш юзасидан тезкор чоралар қўради ва қарорлар қабул қилади.

Тўртинчидан, Президент мамлакат Куролли Кучларининг Олий Бош Қўмондони деб эълон қилинади ва бинобарин, давлат даражасида мудофаа ишларига ва фуқаролар ҳарбий хизматни ўташига раҳбарлик қилади.

Бешинчидан, Президент ижро этувчи ҳокимият тизимида олий лавозимларга, баъзан судьяларнинг лавозимларига тайинлашни ҳам амалга оширади.

Олтинчидан, Президент инсон манфаатларининг олий даражадаги ҳимоячиси ҳисобланади, фуқаролик масалаларини ҳал қилади, давлат фуқароларини муқофотлаш ва афв этишни амалга оширади. Яъни у инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг таъминланиши, мамлакат Конституцияси ва қонунларининг бажарилиши кафилидир.

«Президент» тушунчаси конституциявий-ҳуқуқий нуқтаи назардан давлат бошлиғи деган маънони англатади. Жаҳон давлат-ҳуқуқий амалиётида мазкур институт айнан шунинг учун яратилган. Унинг ушбу роли ҳозирги вақтда Президент мавжуд бўлган ҳар қандай демократик республикага хосдир. Давлатни

жипслаштириш, яъни давлат ҳокимияти механизмининг барқарорлиги ва таъсирчанлигини таъминлаш Президентнинг бурчидир. Бугунги кунда жаҳонда президентлик институти давлат курилишининг ажралмас таркибий элементи ҳисобланади: дунёнинг 140 дан зиёд мамлакатда президент лавозими таъсис этилган. Давлат бошлиғи конституциявий-ҳуқуқий мақоми унинг давлат ҳокимияти тизимининг ягоналиги ва барқарорлигини, уч мустақил тармоқ – қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига бўлиниш шароитларида унинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш борасидаги ваколатлари ҳажмини белгилайди.

Маълумки, Ўзбекистон собиқ иттифоқ республикалари орасида биринчи бўлиб президентлик институти жорий этган. Ўзбекистонда Президент институти 1990 йилнинг мартида «**Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ва Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги Қонунга мувофиқ амалга киритилди. XII қақриқ Олий Кенгашнинг биринчи сессиясида 1990 йил 24 март кун Иккинчи Президентининг биринчи Президенти этиб Ислон Каримов сайланди. Мамлакатимизда 1991 йил 29 декабрда биринчи умумий тўғридан-тўғри Президент сайлови бўлиб ўтди. Муқобиллик асосида ўтказилган мазкур биринчи умумхалқ сайловида Ислон Каримов галаба қозонди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинади. Мазкур қонун БМТ халқаро ҳужжатлари (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт), ЕХҲТ ҳужжатлари, шу жумладан Инсон меъзои бўйича конференцияси Копенгаген йиғилишининг Ҳужжатида назарда тутилган демократик сайлов стандартлари билан тўла мос келади.

Халқаро мажбуриятларга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида:

- Конституция ва қонунларда белгиланган оқило-

на муддатларда эркин сайловлар ўтказилади;

- фуқароларга умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи кафолатланади;

- яширин овоз бериш таъминланади, унинг натижалари матбуотда эълон қилинади;

- фуқароларга шахсан ўзи, сиёсий партия ёки бошқа ташкилот вакили сифатида сиёсий ёки давлат лавозимларини эгаллаш ҳуқуқи берилади;

- сиёсий партиялар ўртасида кураш учун юридик кафолатлар қонун олдидан тенглик асосида таъминланади;

- сайлов кампаниясини эркинлик ва ҳалоллик, номзодлар ва сайловчилар ўз нуқтаи назарларини эркин баён этишлари, уларнинг монеликсиз муҳокамаси ва эркин овоз бериш муҳитида ўтказиш учун шароитлар яратилади;

- сиёсий партиялар ва сайловчилар учун оммавий ахборот воситаларида монеликсиз иштирок этиш имконияти таъминланади;

- сайловда миллий ва чет эллик кузатувчилар ҳозир бўлиши назарда тутилади.

Сайлов ҳуқуқининг мазкур умум эътироф этилган принциплари «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунда ҳам мустаҳкамланган. Мазкур қонун нормалари фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини амалга ошириш фуқароларнинг бошқа муҳим ҳуқуқлари – давлат идораларига шикоят ва аризалар билан муносабат этиш ҳуқуқи, ахборот олиш ҳуқуқи, йиғилишларга бўлган ҳуқуқ, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигига, ўз ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқларни таъминлаш билан боғлиқ, деган ҳулосага келиш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини яхши билиш фуқароларга 2015 йил 29 мартда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этиш ва юқорида кўрсатилган ҳуқуқларни амалга ошириш имконини беради.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
юридик фанлар доктори.

ДУНЁДАН



ДАРАКЛАР

ҲУКУМАТГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

Греция Бош вазири Алексис Ципрас мамлакат парламентида сўзга чиқиб, депутатларни ўзи раҳбарлик қиладиган Ҳукуматнинг фаолият дастури билан таништирди. Жумладан, Греция иқтисодий жиҳатдан мустақил давлат ва Европа Иттифоқининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб қолиши кераклигини таъкидлади. Шундан сўнг овоз бериш жараёни бошланди. Уч юз нафар депутатдан 162 нафари Ҳукумат дастурини ёқлаб овоз берди. Шу тариқа Алексис Ципрас бошчилигидаги Вазирлар Маҳкамасига мамлакат парламенти ишонч билдирди.

ТОПҚИРЛИГИНИ ҚАРАНГ

Яқинда Голландиянинг Харлем шаҳри кўчаларида полициячилар патруллик қилиб юришган эди. Киш бўлган боис барча уйларнинг томини қор қоплаган эди. Фақат биттагина хонадоннинг томида қор йўқлиги ҳуқуқ-тартибот побонларининг эътиборини тортиди. Рейд уюштирилганида ҳалиги уйнинг чордоғи нашазорга айланган аниқланди. Гиёҳфуруш зарур микроклимни вужудга келтириш учун инфрақизил нур таратувчи электр қорққларидан фойдаланган экан. Ҳарорат таъсирида том устидаги қор эриб кетган эди. Британиялик полициячилар бунақанги ус-таси фаранг «тадбиркор»ларни аниқлаш учун махсус техника воситалари – тепловизорлардан фойдаланишади.

ДЕНГИЗДАГИ ФАЛОКАТ

Миграция бўйича халқаро ташкилотнинг хабарига кўра, ўтган шанба кун Италия қирғоқларидан бортида мигрантлар бўлган иккита моторли қайиқ Италия томон йўлга чиққан эди. Кучли тўлқинлар туфайли уларнинг ҳар иккиси ҳам ҳалокатга учраган. Орадан тўрт кун ўтиб мигрантлардан тўққиз киши қутқариб олинган, икки юздан зиёди эса денгизга фарқ бўлган деб тахмин қилинмоқда.

СЎНГИ БЕШ ЙИЛ ИЧИДА

Шу йилнинг 11 февралда Исроилда кучли қум бўрони юз бериб, атмосферанинг ифлосланиши даражаси меъёрдан 40 баробар ошиб кетди. Сўнги беш йил ичида бундай кучли қум бўрони қайд этилмаган эди. Қаттиқ шамол эсиши ва кўриш узоклиги пасайиб кетиши туфайли Эйлат шаҳри аэропортида авиопарвозлар бир неча соатга тўхтатиб қўйилди. Мамлакат бўйича 384 киши ёрдам сўраб шифокорларга муносабат этишди. Уларнинг аксарияти нафас олишга қийналишаётганидан шикоят қилишган. Фақат кечга томон ёмғир, баъзи ҳудудларда эса қор ёққанидан сўнггина ҳавонинг ифлосла-ниш миқдори пасая бошлаган.

УММОН УСТИГА ҚҰНДИ

Кўп марталик IX фазовий кемаси Тинч океани юзасига муваффақиятли қўнди. Бу ҳақда Европа космик агентлиги хабар қилган. Энди у махсус ке-мада 40 кун ичида Европага келтири-лади. IX кемаси унинг парвози тах-лил этилганидан сўнг янги транспорт кемасига айлантирилиши кутилмоқда. «PRIDE» деб номланган ушбу космик кема 2018 йилда фазога парвоз қили-ши режалаштирилган.

БЎКИБ ЎЛГАН

Сўнги ойларда Бангладешдаги Хон Жаҳон Али ибодатхонасига келувчи зиёратчилар сони бир неча баробарга кўпайди. Уларнинг аксарияти ибодат-хона яқинидаги ҳовузга яшайдиган тим-соҳни егуликлар билан сийлашни хуш кўришади. Боиси бу жониворни муқад-дас деб билишади. У тўйса омадлари чопишига ишоншади. Баъзилар тим-соҳга товук гўшти ташлашади. Орала-рида бутун кўй гўштини берадиганлар ҳам бор. Хуллас, юз ёшли очофат тим-соҳ бундай «меҳмондўстликлар» «шаро-фати» билан яқинда бўкиб ўлди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Хабарлар

ОТА-ОНАЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Республика ИИБ раҳбарияти тизимни ҳар томонлама етук, ватанпарвар ва малакали мутахассислар билан тўлдиришга алоҳида эътибор қаратиб келаётир.

Бунда ИИБ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда уни тамомлаган кўплаб ходимлар юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаяпти. Хизмат самарадорлигини ошириш, ёшлар ўртасида салбий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида жойларда курсантларнинг ота-оналари ҳамда мазкур олий курсларни тугатиб, ҳозирги вақтда хизмат қилаётган ходимлар билан учрашув бўлиб ўтмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги мажлислар залида бўлиб ўтган учрашувда олий курсларнинг хизмат-жанговар ва жисмоний тайёргарлик цикли катта ўқитувчиси, майор М. Ачилов сўзга чиқиб, курсантларнинг ўқиш давомидаги интизоми ҳақида сўз юритиб, яхши хулқ-атвори билан бошқаларга намуна бўлаётганларнинг ота-оналарига ИИБ Академияси раҳбариятининг миннатдорлигини етказди.

Ўз навбатида ота-оналар номидан Набира Досназарова, Ҳайдар Умаров ва бошқалар сўзга чиқиб, ушбу учрашув хизмат самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутишини таъкидлашди. Учрашув сўнгида ёш ходимлар Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ «Шон-шухрат» музейига ташриф буюриб, тарихий экспонатлар билан танишди.

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.

Бухоро вилояти ИИБда бўлиб ўтган учрашувда бошқарма бошлигининг ўринбосари, подполковник Ш. Раджабов сўзга чиқиб, ёш мутахассис ходимни хизмат қийинчиликлариغا чидамлилиқ руҳида тарбиялашда ички ишлар идораларининг раҳбар ходимлари билан биргалликда ота-оналарнинг ҳам ўрни ва роли жуда катта эканлигини айтди. Шу боис ўзаро ҳамкорликни йўлга

қўйиш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири эканлигини таъкидлаб ўтди.

Жонли мулоқот тарзида ўтказилган мазкур учрашувда ИИБ Академиясининг масъул ходими, подполковник Д. Атауллаев курсантларни ўқитиш ва касбга йўналтириш методикаси, ёш курсантларнинг билим, амалий кўникмаларини шакллантириш борасида вазирлик раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтди.

Бахтиёр РАҲМАТОВ,
катта лейтенант.

Сурхондарё вилояти ИИБда бўлиб ўтган учрашувда олий курсларнинг юридик фанлар цикли ўқитувчиси, майор А. Воҳидов сўзга чиқиб, курсантларнинг ўзлаштириши ҳақида ота-оналарга маълумот берди.

Учрашувда сўзга чиққанлар ёш ходимларнинг ўқиш давомида олган билимлари хизмат жараёнида асқотаётганини таъкидлаб, амалиётга, малакали ходимлар иш тажрибасига катта эътибор қаратишаётгани ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Бундан ташқари, ходимларнинг ўз вазифаларига масъулият билан ёндашиши, фуқаролар билан хушмуомалада бўлишлари, ҳар қандай ҳолатда ҳам тўғри ва мустақил қарорлар қабул қилиши,

энг асосийси, эл-юрт олдида ёруғ юз билан хизмат қилишида ота-оналарнинг ҳам роли катта эканлиги ҳаётий мисоллар билан тушунтириб ўтилди.

Тадбирда, шунингдек, ИИБ Академияси билан Сурхондарё вилояти ИИБ ўртасида кадрлар тайёрлаш, уларнинг билим ва малакаларини ошириш, амалий, тактик кўникмаларини мустаҳкамлаш борасида яқиндан ҳамкорлик қилишнинг устувор йўналишлари ҳам белгиланди.

Дилмурод ХУДОЙКУЛОВ,
лейтенант.

Наманган вилояти ИИБда бўлиб ўтган учрашувни бошқарма бошлигининг ўринбосари, подполковник Д. Хўжакулов очиб, ёш ходимларни она-Ватанга муҳаббат, хизмат бурчига садоқат руҳида тарбиялашда бундай мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилиши катта аҳамиятга эгаллигини таъкидлади.

Шундан сўнг олий курсларнинг махсус фанлар цикли катта ўқитувчиси, подполковник Ф. Хидиров ИИБ Академиясида яратилган шарт-шароитларга тўхталаркан, наманганлик курсантлар ҳам имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўқув ва амалий машғулотларда ибрат бўлишаётганини эътироф этиб ўтди.

Ота-оналар номидан сўзга чиққан Абдужалил Даминов ўтган қисқа вақтда фарзандининг юриш-туриши, билими ва дунёқарашида жуда катта ижобий ўзгаришлар юз берганини таъкидлаб, бунинг учун раҳбариятга, профессор-ўқитувчиларга ҳамда тадбир ташкилотчиларига самимий миннатдорлик билдирди.

Самимий руҳда ўтган тадбирда иштирокчиларнинг қизиқтирган саволларига мутахассислар атрофлича жавоб қайтаришди.

Назиржон ИДРИСОВ,
майор.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилнинг 4 сентябрь кундаги Қонуни билан амалдаги Жиноят-процессуал кодекси-га янги 242¹-модда киритилиб, янги процессуал мажбурият чораси, яъни «Уй қамоғи» эҳтиёт чораси жорий этилди.

МУҲИМ МАВЗУГА
БАҒИШЛАНДИ

Барчамизга маълумки, эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш – энг жиддий процессуал мажбурият чораси бўлиб, у амалда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини, энг аввало, унинг ажралмас ҳамда энг муҳим бўлган ҳуқуқлари, озодликка ва шахсий дахлсизликка бўлган ҳуқуқларини чеклайди. Бирок гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига нисбатан нафақат қамоқ эҳтиёт чорасини қўллаш орқали, балки унга нисбатан янада энгилроқ уй қамоғи эҳтиёт чорасини қўллаган ҳолда ҳам кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Яқинда Бухоро вилояти ИИБ тергов бошқармасида ўтказилган тадбир айнан шу мавзуга бағишланди. Унда вилоят ИИБ терговчилари, Ахборот маркази ва Эксперт-криминалистика бўлими ходимлари иштирок этишди. Тадбирни вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, полковник О. Ҳасанов кириш сўзи билан очиб, «Уй қамоғи» эҳтиёт чорасининг жорий этилиши суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришда яна бир қадам бўлганлиги ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. Шунингдек, иштирокчилар мавзу юзасидан ўзаро фикр алмашишди.

Тадбирда иштирок этганлар ўзларини қизиқтирган саволларга етарлича жавоблар олишди.

Азиз САФАРОВ,
капитан.
Бухоро вилояти.

Мамлакатимизда «Ёшлар орасида гиёҳвандлик воситаларининг тарқалишига қарши кураш» ойлиги ўтказилмоқда. Ички ишлар идоралари томонидан республикамиздаги таълим муассасаларида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу муҳим тадбир доирасида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида турли профилактик тадбирлар уюштирилмоқда.

Транспортдаги ИИБ ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ташаббуси билан Тошкент темир йўл муҳандислари институтида «Биз гиёҳвандликка қаршимиз!» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги наркотиклар назорати бўйича миллий ахборот-таҳлил маркази, Тошкент шаҳар наркология диспансери ходимлари, профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда бугун бутун инсониятнинг энг катта гуаммоларидан бирига айланган гиёҳвандлик, унинг аянчли оқибатлари тўғрисида атрофлича сўз юритилди. Хусусан, бу иллатнинг давлат ва

Гиёҳвандлик – аср вабоси

ТАЛАБАЛАР ИШТИРОКИДА УЧРАШУВЛАР



Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

жамият тараққиётига, тинчлигига улкан зарар келтириши факт ва рақамлар мисолида кўрсатиб ўтилди. Шу боис гиёҳвандлик домига тушиб қолмаслиги учун ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларда ёт иллатларга қарши иммунитетни шакллантириш бугунги куннинг долзарб масаласи экани таъкидлаб ўтилди.

Давра суҳбати сўнгида гиёҳвандликнинг аянчли оқибатлари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Суннат ШЕРОВ,
подполковник.

Тошкент вилояти ИИБ ҲООБ томонидан Тошкент давлат аграр университетига «Гиёҳвандликка қарши кураш – барчанинг бурчи» мавзусида учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирни университетнинг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори А. Абдувосиқов очиб, мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шундан сўнг ИИБ ҲООББ матбуот котиби, подполковник У. Туймабоев, Тошкент вилояти ИИБ ҲООБ бўлинма бошлиғи, майор Э. Қулаҳмедов, Адлия вазирлиги Юристар малакасини ошириш маркази тингловчиси Т. Тўхтаси-

нов ва бошқалар сўзга чиқиб, бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар учун яратилган қулай имконият ва шароитлар, уларни гиёҳвандлик балосидан асраш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар, қолаверса, гиёҳвандликнинг зарарли оқибатлари хусусида маълумот қилишди.

Гиёҳвандликка чалинган кимсаларнинг аянчли ҳаёти тасвирланган «Адашганлар қисмати» номли ҳужжатли фильм намойиши тадбир иштирокчилари, айниқса, талаба-ёшларда катта таассурот қолдирди.

Ўз мухбиримиз.

Жиззах. «Ёшлар орасида гиёҳвандлик воситаларининг тарқалишига қарши кураш» ойлиги муносабати билан Жиззах давлат педагогика ҳамда Жиззах политехника институтларида «Тенгдош, гиёҳвандлик ва ОИВ, ОИТС бизга ёт» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Семинарда вилоятда наркотик воситаларни тарқатиш, сотиш ва истеъмол қилиш ҳолларининг олдини олиш, гиёҳвандликка қарши курашиш борасида кўри-

лаётган чора-тадбирлар хусусида батафсил маълумот берилди. Жумладан, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар, уларнинг фош этилиш жараёни, жиноятчиларга нисбатан кўрилган жазо чоралари ҳақида гапирилди.

Семинар сўнгида «Бир жиноят изидан» рунки остида наркотик моддалар савдосига оид видеоролик намойиш қилинди.

Хуршид АБДУВАЛИЕВ,
катта лейтенант.

«Гиёҳвандлик – аср вабоси». Гулистон давлат университетида бўлиб ўтган тадбир ана шундай номланди. Унда олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари қатнашди.

Сирдарё вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ ҳамда ҲООБ ташаббуси билан ташкил этилган тадбир инсон ҳаётига катта таҳдид солаётган иллат – гиёҳвандликка қарши кураш ҳозирги кунда янада долзарб аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Ёшлар орасида наркотик моддаларнинг тарқалишига йўл қўймаслик, айниқса, муҳим экани алоҳида қайд этилди.

Тадбирда талаба-ёшлар мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Улуғбек ҲАЙДАРОВ,
катта лейтенант.

Юксак мукофот соҳиблари

МАҚСАДИ – ОСОЙИШТАЛИК, ХИЗМАТИ – ЖАСОРАТ

Фарзанд тарбиясида, камолотида оилавий муҳит муҳим ўрин тутди. Ички ишлар идоралари ходими, майор Баҳодир Ҳасанов ва олий тоифали ўқитувчи Муаззам Собированинг тўнғич фарзанди Жасурбек зиёли оилада ўсиб-улғайди. Узоқ йиллар ички ишлар идораларида сидқидилдан хизмат қилиб, нафақага чиққан бобоси Ҳасан Назаровнинг, қолаверса, ота-онаси ва устозларнинг насиҳатлари, доно ўғитларига доимо амал қилди.

Умумтаълим мактабини аъло баҳоларга тамомлагач, ИИБ Академиясига ўқишга кирди. Устозларидан соҳага оид барча билим ва амалий кўникмаларни пухта ўрганди. Шу билан бирга, спорт билан шуғулланишни ҳеч ҳам қанда қилмади.

Тўрт йил оқар дарё мисоли ўтиб, тингловчилик даври ортда қолди. Жасурбек Бухоро вилояти Олот тумани ИИБ ЖК ва УЖҚКБда тезкор вакил бўлиб иш бошлади. Ёш ходим эмасми, берилган топшириқларни бажаришда катта тажрибага эга бўлган соҳа ходимлари – устозлари маслаҳатларига, кўрсатган йўл-йўриқларига қатъий амал қилди. Хушёрлик, тезкорлик ва

билимдонлик унинг асосий фазилатига айланди. Устозларининг ҳар бир рағбати Жасурбекни янада шижоат билан хизмат қилишга ундади.

– Соҳамизнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор, – дейди Жасурбек Ҳасанов. – Аммо шундай пайтлар бўладики, чеккан барча заҳматларингиз унут бўлади. Бир воқеа ҳечам хотирамдан кетмайди. Ўшанда энди хизмат фаолиятимни бошлаган пайтларим эди. Туман ИИБга бир фуқаро келиб, сигири йўқолиб қолганини, унга ёрдам беришимизни сўради. Раҳбариятнинг топшириғи билан ишга киришдик. Жабрланувчи – бева аёл, икки нафар фарзанди бор, рўзгорини

шу сигири ортидан тебратар экан. Хуллас, излашниларимиз зое кетмади. Орадан маълум вақт ўтиб, ўғрилган сигирни бузоғи билан эгасига топширдик. Ўшанда ҳалиги аёлнинг миннатдорлик билдириб, қувонганини кўрсангиз эди!..

Гиёҳвандлик – бугунги куннинг энг катта муаммоси. «Оқ ажал» аталмиш бу бало нафақат бир-икки оила, балки бутун бир жамият равнақига, тинчлиги ва осойишталигига бемисл путур етказди. Гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчи кишиларнинг ҳаёти қашшоқликдан чиқмайди, оиласи пароканда бўлади. Буни тўғри англаган Жасурбек сингари хушёр ва тезкор ички ишлар ходимлари гиёҳвандликдек жирканч иллатга қарши мурасасиз кураш олиб боришяпти. Натижада жиноятчиларнинг қилмишлари қисқа фурсатларда фош этилмоқда.

Масалан, олотлик эр-хотин Шокир ва Мавжуда (исм-шарифлар ўзгартирилди) гиёҳвандлик моддаларини етиштириш, сотиш ортидан мўмай даромад топишга ружу қўйишди. Тезкор тадбирлар натижасида улар қўлга олиниб, озодликдан маҳрум этилди.

Халқимизда: «Кўр ҳассасини бир марта йўқотади», деган нақл бор. Қарангки, эр-хотин оғуфурлардан кейин қабиҳ ишларини яна давом эттиришди. Ниҳоят, Жасурбек Ҳасанов раҳбарлигида тезкор вакилларнинг саъй-ҳаракати билан улар яна қўлга олиниб, тегишли жазога тортилди.

«Қовун қовундан ранг олади» деганларидек, уларнинг ён қўшниси, Эргаш Ҳамидов ҳам муқаддам гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланиб, жазога тортилган бўлса-да, ўзига тегишли хулоса чиқармаган экан. У ўз уйида бангхона ташкил қилгани тезкор ходим Жа-

сурбекнинг «назарига тушди» ва жиноятчи суднинг қора курсисидан жой олди.

– Ўз ишимни астойдил уддалашимда, озми-кўпми ютуқларга эришимда ота-онам, устозларим, ҳамкасбларимнинг ҳиссаси бекиёс. Улар мендан ҳозиргача қимматли маслаҳатлари, йўл-йўриқларини аямайдилар, – дейди лавҳамиз қахрамони.

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди. Унга кўра, вилоят ИИБ жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармаси бўлим бошлигининг ўринбосари, майор Жасурбек Ҳасанов ҳам «Жасорат» медали билан тақдирланди. Бу фидойи ички ишлар идоралари ходими учун юксак шараф ва масъулиятдир.

Лолаxon МАНСУРОВА,
журналист.
Бухоро вилояти.

Умидли ёшлар



Андижон вилоятининг Булоқбоши тумани ИИБга «Булоқбоши олтин балиғи» фермер хўжалиги раҳбари Маматқосим Эргашбоев (исми шарифлари ўзгартирилган) ариза билан мурожаат этди. У ўз аризасида вилоятнинг Жалолқудук туманилик таниш фермер Назар Содиков балиқ учун 16500 килограмм ем етказиб беришни ваъда қилиб, 1650 АҚШ доллари олганини, аммо ҳалигача ваъдасини бажармаганини баён этган эди.

Жабрдийданинг аризаси юзасидан текширув ўтказилди. Текширув натижаларига кўра, Н. Содиковга нисбатан жиноят иши кўзгатилади. Мазкур жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини олиб бориш Булоқбоши тумани ИИБ терговчиси, катта сержант Ҳайдаржон Акбаровга топширилди.

Катта сержант Ҳайдаржон Акбаров тергов жараёнида масаланинг тагига етди. Воқеа қуйидагича юз берган эди. Жалолқудук туманининг Қатортол қишлоғилик Назар Содиков икки йил

давомида «Содиқполвон ҳамиша мадақдор» фермер хўжалигига раҳбарлик қилди. Сўнг хўжалик юритишдаги нўноқлиги учун туман ҳокимининг қарорига кўра лавозимидан озод этилади. Худди шу пайтда Булоқбоши туманилик узоқ йиллик таниши Маматқосим Эргашбоев билан учрашиб қолади.

Икки қадрдон бу учрашувни чойхонада ўтириб «нишонлашади». Гурун орасида М. Эргашбоев балиқларга ем тополмаётганидан нолиб қолади.

АСОСИЙСИ – ҚИЙИНЧИЛИКЛАРДАН ҚЎРҚМАСЛИК

– Шу ҳам муаммо бўлибдими, – дейди бепарво қўл силтаб Н. Содиков. – Бу масалани мен бир ҳафтада ҳал қиламан. Биласан – мен икки йилдан буён фермерлик билан шуғулланаман. Хўжалигимизда пахтадан ташқари бошоқли экинлар ҳам етиштирамиз. Ана шу донлардан нафақат молларга, бундан ташқари балиқларга ҳам ем ишлаб чиқарамиз. Бизлар тайёрлаган ем билан боқилган балиқлар тез семираётган экан, билдингми?

– Унақада ёрдам бервор. – Нархини келишсак, гап бўлиши мумкин эмас.

Улфатлар нарх устида узоқ тортишишди. Охири Назар Содиков аслида йўқ емдан 16,5 тоннасини 1650 АҚШ доллари эвазига етказиб берадиган бўлди. Маматқосим Эргашбоев шу ернинг ўзида айтилган пулни санаб берди.

Орадан келишилган муддат – бир ҳафта ўтди. Лекин балиқ озукасидан дарак бўлмади. Маматқосим яна бир ҳафтани ўтказиб, танишининг олдига келди. Назар

эса ҳосилни йиғиштириб олиши билан емни етказиб беришини айтиб, ваъдани куюқ қилди.

Ўрим-йиғим мавсуми якунланганидан кейин ҳам ваъда бажарилмагач, жабрдийда ички ишлар идорасига ариза билан мурожаат этишга мажбур бўлди. Тергов ҳаракатлари жараёнида Н. Содиковнинг айби тўлиқ исботланди. У М. Эргашбоевга етказилган зарарни тўлиқ қоплашга ваъда берди.

– Ўғрилиқлар, йўл-транспорт ҳодисалари, фирибгарликлар билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишимга тўғри келади, – дейди катта сержант Ҳайдаржон Акбаров. – Тўғри, ҳали тажрибам кам. Аммо менга устозларим – тергов бўлинмаси бошлиғи, катта лейтенант Шаҳбозбек Яшаров ва терговчи, катта лейтенант Азизбек Ҳасанов яқиндан ёрдам беришади. Улар ўзларининг бой тажрибасини, тергов ҳаракатлари тактикасини, ҳужжат юритиш кўникмаларини ўргатишади.

– Катта сержант Ҳайдаржон Акбаров Тошкент давлат юридик университетини битирган, – дея суҳбатимизга қўшилади Булоқбоши тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари, подполковник Шавкатбек Сайдахмедов. – У юрак амри билан шу соҳани танлаган. Файратшижоатли йигит. Янгиларини тез илғаб олади. Тажрибали ҳамкасбларининг маслаҳатларига амал қилади. Доимо юридик адабиётларни ўқиб, қонунчиликдаги янгилар билан танишиб боради. Ўз устида мунтазам ишлайди. Бўш қолди дегунча спорт билан шуғулланади, турли мусобақаларда фаол иштирок этади.

Ёш терговчининг раҳбарият эътирофига сазовор бўлганидан биз ҳам қувондик. Унинг келажакда хизмат фаолиятида кўплаб муваффақиятларга эришиб, жиноятга жазо муқаррарлигини, қонун устуворлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишига ишонамиз.

Борис КЛЕЙМАН.

Суратда: катта сержант Ҳайдаржон Акбаров.

Муаллиф олган сурат.

ТАКОМИЛЛАШИБ БОРАЁТГАН СОҲА

Наввий вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальон раҳбарияти томонидан шахсий таркиб ўртасида хизмат интизоми ва қонунийликни мустаҳкамлаш, ходимлар маънавиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ходимларнинг хизмат фаолиятини амалга оширишида уларга яратилган шарт-шароитлар жуда асқотаяпти.

Ходимлар вилоятнинг Наввий, Зарафшон шаҳарлари ва Учкудуқ тумани ҳудудларидаги кўчалар, бозорлар, умуман аҳоли гавжум жойларда жамоат тартибини сақлаб, жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликлар юз бермаслиги учун профилактик ишларни олиб боришяпти. Бинобарин, патруль-пост хизмати батальонида хизмат қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Негаки ходимлар ҳар кун, ҳар соатда хавф-хатар билан юзма-юз келиши мумкин. Янги ишга олинаётган ходимларга теварак-атрофни сергаклик билан кузатиш, одамларни жамоат тартибини бузмасликка чақириш, ҳуқуқбузарликларга олиб келиши мумкин бўлган омилларни аниқлаб, ўз вақтида барта-раф этиш бўйича тушунчалар бериб бораёямиз. Ўтган йилнинг ўзида 18 нафар хо-

дим бошқа соҳавий хизматлардан сараланган ҳолда, уч нафари эса синовлар асосида янгидан хизматга қабул қилинди. Уларда касбий кўникмаларни ҳосил қилиш борасида ҳар бирига тажрибали ходимлардан мураббийлар бириктирилди. Ходимларнинг ҳаракати назорат остига олиниши билан бир қаторда, уларнинг касбий маҳорати ва жанговар тайёргарлигини ошириш бўйича режали ишлар бажарилмоқда.

Хизмат самарадорлигини ошириш мақсадида 2014 йилда батальонимиз ҳудудида қурилиш ишлари жадал олиб борилди. Жумладан, батальонимизнинг асосий биносида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Барча хоналар жиҳозланиб, қўшимча равишда фуқароларни қабул қилиш хонаси, ошхона, спорт зал,



сунъий қопламали мини-футбол ўйингоҳи, тир, автобус ҳамда хизмат автомашиналари учун бокслар қурилди. Бинонинг кириш жойидаги назорат ўтказиш пункти қайта таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари, навбатчилик қисми меъёрий ҳужжатлар асосида қайта таъмирланиши билан бир қаторда батальон ҳудудини тўлиқ кузатиб туриш имконини берувчи кузатув камераларини кўриб турувчи монитор ўрнатилди. Патруль-пост хизмати ходимлари фуқаролар билан мулоқотда оғирбосик, руҳий ва психологик жиҳатдан тайёр бўлишлари лозим. Шу сабабли бинода «Руҳий енгиллаштириш хонаси» ташкил этилиб, ушбу хона замон талаблари асосида жиҳозланди.

Ҳар бир ходим нафақат жисмонан соғлом, балки дунёқараши кенг, юксак маданият эгаси бўлиши зарур. Бу борада маърифат ва сиёсий ўқиш машғулотида ходимларга жаҳонда рўй бераётган янгилликлар ҳақида маълумотлар бериб борилмоқда. Бунинг учун барча қулайликларга эга бўлган ва зарур кўргазмалар лавҳалар билан жиҳозланган маъри-

фат хонаси капитал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди. Ўтказилаётган дарсларга етуқ мутахассислар ва бошқа соҳавий хизматларнинг малакали ходимлари, соҳа фахрийлари таклиф этиляпти. Кези келганда, шахсий таркибга тегишли йўл-йўриқлар ва тавсиялар берилаётир. Унда қонунийликка риоя этиш, хизмат интизомини мустаҳкамлаш, айниқса, ёш ходимларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий билимларини бойитиш эътиборга олинган.

Ҳар ҳафтада икки марта таъмир қилинаётган жанговар тайёргарлик машғулоти жараёнида жиноят содир этган шахс жиноят устида қўлга олинганда, қидирувдаги ёки бедарак йўқолган шахсни аниқлаганда ёки ушлаганда ва бошқа ҳуқуқбузарликлар юз берганда ППХ ходимларининг дастлабки ҳаракати, ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, биринчи ёрдам кўрсатиш усуллари тўғрисида кўрсатмалар берилмоқда. Ўқув дарслари давомида турли мавзудаги видеороликлар шахсий таркиб эътиборига ҳавола этилиб, дарс якунида кўрсатилган

лавҳаларнинг мазмун ва моҳияти муҳокама қилинапти.

Бундан ташқари, ҳафтада икки мартаба жисмоний тайёргарлик машғулоти батальон ҳудудидаги янгидан фойдаланишга топширилган, барча зарур анжомлар билан жиҳозланган спорт зали ҳамда сунъий қопламали мини-футбол ўйингоҳида самарали ўтказилмоқда. Олиб борилган ишлар самараси ўлароқ сафдорлар Ф. Рўзиев ва С. Бекпўлатов вилоят миқёсида ўтказилаётган кураш бўйича мусобақада совринли ўринларни қўлга киритган бўлса, сафдор Ш. Абдурайимов ўтган йили Тошкент шаҳрида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ўртасида қўл жанги бўйича 13-халқаро турнирда фахрли учинчи ўринни қўлга киритди.

Бугунги кунда батальон тасарруфидаги 14 та «Нексия», 6 та «УАЗ-3151», биттадан «Матиз» ва «Дамас» русумли патруль автомашиналари ҳамда тўртта «Isuzu» русумли автобусидан хизмат давомида унумли фойдаланиб келинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун ходимларимиз учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратилган. Бундай шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланганлар рағбатлантирилиб келинапти. Ўтган йили жиноятларни «иссиқ изида» фохс этганлиги учун 40 нафар ходим пул мукофоти билан рағбатлантирилди. Энг асосийси, шахсий таркиб масъулиятни чуқур ҳис қилиб, зиммаларига юкланган вазифаларни шараф билан адо этмоқда.

Хуршид РАҲМАТОВ,
майор.

Наввий вилояти.



ИШОНЧЛИ ҚЎРИҚЛОВ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Урганч шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходимлари қўриққа олинган масканларни ишончли муҳофаза қилишдек муҳим вазифани шараф билан уддалашмоқда.

Бўлим ходимларининг хизмат фаолияти билан танишар эканмиз, қўриқланаётган масканлар техник қўриқлаш пульта навбатчи оператори томонидан мунтазам кузатувга олинганнинг гувоҳи бўлдик. Бўлим бошлиғи, майор Зафар Искандаровни корхона, ташкилот ва банк муассасаларида хизмат вазифасини ўтаётган ходимлар фаолиятини назорат қилаётган пайтда учратиш қолдик. Жойлардаги ходимларнинг хушёрлиги, зиммасига юклатилган топшириқларнинг

масъулиятини ҳис қилган ҳолда бажараётгани эътиборимизни тортди. Улар корхона ва ташкилотлар ҳудудига қираётган ҳамда у ердан чиқиб кетаётган ҳар бир автотранспорт воситасини, фуқароларни синчковлик билан кўздан кечиришмоқда.

— Шаҳар ҳудудидаги 274 та маскан қўриққа олинган бўлиб, шундан 122 таси техник қўриқлаш пульта назоратидадир, — дейди майор Зафар Искандаров. — Кейинги пайтда фуқаролар хонадонини қўриқлаш хизмати

топшираётгани ҳам сезиларли ошди. Айни пайтда 64 та хонадон ишончли муҳофаза қилинмоқда. Бу албатта, аҳолининг хизматимизга бўлган ишончи ортиб бораётганидан далолат беради.

Қўриқлаш хизмати ходимлари тезкор ҳолатни барқарорлаштириш, жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда ҳам фаол иштирок этишяпти. Айниқса, қўриқланаётган масканларда майда ташмачиликка йўл қўймастик ҳамда бундай ноҳуш ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш юзасидан тезкор чоралар кўриляпти. Ўтган йилда 29 та майда ташмачилик ҳолатлари аниқланиб, 2 млн. 531 минг сўм миқдоридики мол-мулк корхоналар ихтиёрига қайтарилди.

Масканларнинг ишончли қўриғини таъминлаш, содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда ходимларнинг жанговар шайлигини оширишда техника воситаларининг ўрни беихоро каттадир. Айни кунда ходимлар замонавий алоқа воситалари, зарур хизмат анжомлари билан таъминланган. Шунингдек, тезкор ҳаракатланувчи гуруҳнинг воқеа содир бўлган жойга ўз вақтида етиб бориши учун замонавий русумдаги хизмат автомашинаси ажратилган. Яратилаётган бундай имкониятлар ходимларнинг самарали хизмат қилишида муҳим аҳамият касб этапти.

Шахсий таркибининг касбий ҳамда жанговар маҳоратини ошириш энг муҳим вазифалардан биридир. Шу боис,

режа асосида ўтказилаётган ўқув ва амалий машғулотларга катта аҳамият бериляпти. Шунингдек, шахсий таркиб билан ўтказилаётган тадбирларда хизмат интизоми, қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этиш, маънавий-руҳий муҳитни янада яхшилаш, ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга хизмат шароитларини яратиб бериш каби муҳим масалаларга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Юқори касбий маҳоратга эга бўлган бўлим ходимларининг хушёрлиги туфайли мана бир неча йилдирки, қўриқланаётган масканларда жиноят ҳамда ёнғин содир этилишига йўл қўйилмаяпти.

Худойберган ЖАББОРОВ,
Хоразм вилояти.

ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА

Олов — тилсиз ёв



ЁНГИННИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

барчамизнинг бурчимиздир

Фаллаорол туманидаги қишлоқларнинг биридаги хонадон молхонасида ёнгин содир бўлди. Аввалига офатни ўзлари бартараф этмоқчи бўлишди. Лекин оловнинг янада кучайиб бораётганини кўриб, туман ИИБ ЁХБга хабар беришди. Ёнгин ўчирувчилар етиб келганда молхонанинг асосий қисми ёниб бўлган, моллар бир амаллаб сақлаб қолинг, аммо ғарамланган сомон ва хашак кулга айланганди. Ёнгин электр симларнинг қисқа туташувидан келиб чиққани суриштирув жараёнида аниқланди. Молхона икки қаватли бўлиб, иккинчи қаватига сомон ва хашак бостирилган. Ёнгин айнан қуриб ётган хашаклардан бошланган экан.

Дашт ҳудудларида ҳовлилар анча кенг бўлади. Сомон, хашак ва ўтинларни ҳовлининг бир четига бостириш мумкин. Бироқ фуқароларимизга кўп марта тушунтиришимизга қарамастан айримлар ўз билганидан қолмайди. Яшаш уйлари томига хашак, ўтин бостириб, оила аъзоларини ва мол-мулкларини хавф-хатарга қўйишади. Вилоятда ўтган йили ва қишнинг айни шу кунларида содир бўлган ёнгинларнинг бир қисми ҳам ана шу ўзбошимчаликлар, нотўғри ёндашувлар туфайли келиб чиққан.

Айрим ота-оналарнинг ёш болаларига газ ва электр асбобларини ёқиб-ўчиришни ишониб топшириши, бепарво бўлиши ҳам қимматга тушмоқда. Зомин-

лик Ю. Каримов хонадонидан рўй берган ёнгин айнан болаларнинг гугурт билан ўйнаши оқибатида келиб чиққан. Натижада уйнинг катта қисми ёниб кул бўлган.

Афсуски, жойларда ёнгин хавфсизлиги қоидалари юзасидан профилактик ишлар олиб борилаётганига қарамай айрим фуқаролар бунга лоқайд қарашмоқда. Ўтган йилда Пахтакор, Бахмал, Фориш туманларида ёнгинлар сони 20-25 фоизга камайган, айрим ҳудудларда эса офатлар содир бўлиши юқориликча қолмоқда. Бу барчамиздан янада хушёр бўлишни, профилактик ишларни кучайтиришимизни талаб этади.

Ўтган йили халқ хўжалиги ва аҳоли турар-жойларида ўтказилган текширувларда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаган фуқаро ва жавобгар шахсларга нисбатан тегишли миқдорда жарима солинган. Уч юз-

дан ортиқ бино ва иншоотнинг иш фаолияти вақтинча тўхтатиб қўйилди. Саккиз мингдан ортиқ носоз электр ускуна ва иситиш мосламаларидан фойдаланиш тақиқланди. Йил охирига келиб, уларнинг аксариятида камчиликлар бартараф этилгани учун яна фойдаланишга рухсат этилди. Айрим мутасаддилар эса камчиликларни бартараф этиш ўрнига турли хил баҳона, ваз-карсон кўрсатиб, эски, ишлатиш муддати ўтиб кетган асбоб-ускуналарни, электр симлар эскириб қолганини била туриб янгисига алмаштирилишини назоратга олмаган.

Йил бошиданоқ вилоятнинг барча корхона, ташкилот, муассасалари, тадбиркорлик субъектлари билан ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича шартномалар тузилди, профилактик тадбирлар ўтказиш учун режалар

тасдиқланди. Айни кунларда маҳалла, қишлоқларда аҳоли, мактаб ҳамда коллежларда ўқувчилар билан ёнгин хавфсизлиги қоидалари бўйича суҳбат ва учрашувлар ўтказмоқдамиз. Шунингдек, жойларда амалий машғулотлар ташкил этиляпти. Бирламчи ёнгин ўчириш мосламасини ишлатиш, ёнгиндан ўзини асраш, хонадонда ёш болалар бўлса, уларни қай тартибда олиб чиқиш юзасидан тушунтиришлар берилмоқда.

Оловнинг тилсиз ёвлигини халқимиз яхши билади. Шундай экан, фуқароларимизнинг беэтибор бўлмаслиги, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиши олов билан боғлиқ кўнгилсиз воқеаларнинг юз бермаслигини таъминлайди.

Отабек ХОЛМАТОВ,
катта лейтенант.
Жиззах вилояти.



ҲАМ КЎНИКМА, ТАЖРИБА

Кинология хизмати ички ишлар идораларининг муҳим бўғинига айланиб бормоқда.

Чунки жамоат тартибни сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни «иссиқ изида» фош этиш, фуқароларнинг хавфсизлиги, тинчлик-осойишталигини таъминлашда кинологларнинг ҳиссаси тобора ортиб бораётгани эътироф этиляпти. Айниқса, гиёҳвандлик, портловчи моддалар, портлатиш воситалари ва қурилмалари, қурол-яроғ ҳамда ўқдориларни қидириб топишда хизмат итларидан самарали фойдаланилмоқда. Шу боис ҳам бу соҳага катта эътибор берилиб, унинг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Хусусан, ИИБ ППХ ва ЖТСББ Кинолог ходимлар ва қидирув хизмат итларини тайёрлаш марказида кинология хизматларидан жалб этилаётган тингловчиларнинг сифатли ва самарали таълим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Тингловчилар марказда олган назарий билимларини шу ернинг ўзида амалда синаб кўриш имкониятига эга. Бунинг учун марказда машғулот майдони, белгиланган талаб

асосида жиҳозланган йўловчи ташиш вағони, самолёт, автобус, юк ва хизмат автомашинасининг макетлари мавжуд.

Ташкил этилгандан буён ўтган йиллар мобайнида марказ томонидан республика ички ишлар идоралари кинология хизмати кинолог ходимлари учун 13 маротаба ўқув йиғинлари ташкил этилиб, уларда 650 нафардан ортиқ тингловчи ўқувчи тахсил олган. Ўқув

жараёнларига жалб этилаётган тингловчилар ўқув маскани томонидан тегишли хизмат сифатларига эга бўлган зотдор итлар ва зарурий анжомлар билан таъминланади.



Бундан ташқари, марказда таълим олган тингловчилар ўзларига бириктирилган хизмат итлари билан Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган ЙПХ масканлари, оммавий тадбирлар ўтказилиб келинаётган объектлар ва уларнинг атроф ҳудудларида, аэропорт ва темир йўл бекатларида тўрт ой мобайнида амалиёт ўтайди.

Марказда итларнинг сақланиши, саломатлиги ва парвариш қилиниши масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Юқори малакали мутахассис, ветеринарлар томонидан хизмат итларининг саломатлиги текшириб турилади.

— Янги туғилган кучукчаларни тўрт ойлик бўлгунга қадар парваришлаш

бўлинмаимиз зиммасида, — дейди ихтисослаштирилган хизмат итлари наслчилик питомниги бўлинма катта инспектори, майор Елена Крупкина. — Бу даврда асосий вазифамиз уларнинг соғлом улғайишларини таъминлаш. Тўрт ойлик бўлгач улар билан умумий тайёргарлик сабоқлари ўтилади. Махсус

йўналишдаги тайёргарлик эса улар етти ойлик бўлганларида бошланади. Кинологлар ёрдамида турли машқлар бажариб, уларда хизмат кўникмалари шаклланиб боради.

Марказда жорий йилнинг 15 февралидан 15 июнига қадар ташкил этилаётган навбатдаги ўқув курсларига жойлардаги кинология хизмати бўлинмаларидан жами 45 нафар кинолог ходимлар жалб этилиши кўзда тутилган. Тўрт ойлик ўқув жараёнида ходимлар малакали мутахассислар ёрдамида хизмат кўникмаларини оширишга муваффақ бўладилар.

Абу КЕНЖАЕВ.

Суратларда: марказ фаолиятдан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.

ИИБ Матбуот хизмати хабарлари

ЯХШИЛИККА ЁМОНЛИК

Тунда уч кимса қашқадарёлик Қ. Ақромнинг «Нексия» автомашинасига йўловчи сифатида ўтиради. Автомашина овлоқ жойга борганда улар ҳайдовчини кўрқитиб 114 минг сўм пули ва «Nokia» русумли уяли телефонини тортиб олади. Талончилар воқеа жойидан яширингач, фуқаро Қ. Ақром тезда ИИБга хабар берди. Ички ишлар идоралари ходимлари кўп ўтмай ушбу жиноятни содир этган андижонлик А. Камол, А. Алижон ва Қ. Тоштемирни қўлга олдидилар.

ТИЛЛА ЗАНЖИР ТОПИЛДИ

Жиззах шаҳрида яшовчи фуқаро Б. Жумагул шаҳар ИИБга ариза билан мурожаат этиб, номаълум шахс уйига калит танлаш йўли билан кириб, сариқ металлдан ясалган занжирини ўғрилаб кетганини маълум қилди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўғриликни қўшни маҳаллада яшовчи Д. Сожида содир этгани аниқланди. Ҳозирда тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

МЕҲМОНДОРЧИЛИК ҚИММАТГА ТУШДИ

Чирчиқлик У. Темур таниши Т. Жасурнинг уйида меҳмон бўлади. Кутилмаганда улар ўртасида жанжал чиқиб, жаҳл отига минган Т. Жасур меҳмоннинг қорнига пичоқ санчиб олади. Воқеадан хабар топган ички ишлар идоралари ходимлари тезда зўравонни қўлга олишди. Жабрланувчи эса шифохонага ётқизилди. Энди фуқаро Т. Жасур қонун олдида жавоб бериши аниқ.

ЙЎЛДАГИ ТАЛОНЧИ

Тунда Уйчи туманилик И. Собир Наманган шаҳар кўчаларидан бирида кетаётганда унинг йўлини номаълум шахс тўсиб чиқади ва «Nokia» русумли уяли телефонини тортиб олиб, қочиб кетади. Жабрланувчи вақтни бой бермай шаҳар ИИБга хабар берди. Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида ушбу жиноятни Наманган туманида яшовчи А. Эгамкул содир этганлиги аён бўлди. Ҳозир тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шерали АНВАРОВ,
майор.



Маърифат ва сиёсий ўқиш

Маънавият мавзуси мутахассислар томонидан оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилаёпти. Чунки у ижтимоий ҳаётимизнинг асосий масалаларидан бирига айланиб қолди. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бу масалага катта эътибор қаратилмоқда. Меҳмондўст, танти халқимизнинг истиқлол туфайли миллий ғурури, иззат-обрўси тикланиб, эндиликда барча кадрларимиз қадр топмоқда.

Маънавият – инсон руҳий ва ақлий оламини ифодаловчи тушунча: у кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурларини ўз ичига олади. Маънавият атамасининг асосида «маъно» сўзи ётади. У азалдан инсон орттирган, эгаллаган билимлари, руҳий-психологик кечинмалари билан боғлиқ ҳолда кадрларга эриштирилган, инсон ҳаёти, эҳтиёжларини қондириш учун асос бўлиб бораверган.

Юртбошимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида: **«Маънавият инсоннинг қон-қони, суяк-суягига йиллар давомида она сути, оила тарбияси, аждодлар ўғити, Ватан туйғуси, бу ҳаётнинг баъзида аччиқ, баъзида қувончли сабоқлари билан қатра-қатра бўлиб сингиб боради. Айниқса, табиатга, одамларга яқинлик, доимо яхшиликни ўйлаб яшаш, ҳалол меҳнат қилиш, дунёнинг тенгсиз неъмат ва ғўзалликларидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озиқ беради, уни янада кучайтиради»**, дея таъкидлаганлар.

Маънавият инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезони эканлигини айтиб ўтганлар.

Дарҳақиқат, инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг моддий бойликлари билан эмас, балки юксак маънавий қиёфаси билан белгиланади. У аждодларни авлодларга, ўтмишни бугунга, келахатга боғловчи кўприк вазифасини бажаради: ота-боболаримиз тўплаган жамияти яхши фазилатлар ва хислатлар, қадриятлар, анъаналарнинг мажмуи, улар тўплаган тарихий-ижтимоий тажриба ва барча қарашларни ўзида муҳасам ётади.

Ҳақиқатан ҳам фақат маънавий эркин ва озод инсон теран тафаккур туфайли ҳар соҳада катта ютуқларга эришиши мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда юз бераётган иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маданий соҳадаги ўзгаришлар юксак салоҳиятли, маънавий етук инсонларга бўлган улкан эҳтиёжни ҳам келтириб чиқармоқда.

Мустақиллигимиз айна бир йигитнинг ғайрат ва шижоатга тўлган фасли, ўқтамлик палласида. Навқирон давлатимиз ёшлар мамлакатини ҳисобланганлиги сабабли истиқлол йилларида ёш авлодни комил, юксак маъ-

навиятли инсон қилиб шакллантириш, салоҳиятли фуқаролар этиб тарбиялаш бош вазифаларимиздан бирига айланди. Энг қувонарлиси, бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Чунки маънавият инсон, халқ, жамият, давлатнинг куч-қудрати манбаидир. У йўқ жойда ҳеч қандай бахт-саодатга эришиб бўлмайди. Юртбошимиз Ватан келажаги, халқнинг эртанги қони, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-этибори авваламбор, фарзандларимизнинг ўсиб-униб, ул-

мустақил мамлакатимиз келажаги учун маънавияти юксак, баркамол, иқтидорли, зукко, ишбилармон, фидойи инсонлар зарур.

Маънавиятли ва эътиқодли, ғайрат-шижоатли киши ўз Ватани учун жонини фидо қилишга тайёр бўлади. Аксинча, маънавий қашшоқ, ахлоқий суст, билим савияси паст кишилар кўзланган мақсадга эриша олмайди.

Маънавий тарбия ишларида кўзбўямачиликка йўл қўйиш ниҳоятда хатарли. У жамият ҳаётининг шундай бир нозик, аҳамиятли соҳа-

ИНСОН

МАЪНАВИЯТИ БИЛАН ҒЎЗАЛ

гайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқлигини алоҳида ўқтириб ўтганлар.

Юқорида таъкидланганидек, ёшларни маънавий баркамол қилиб тарбиялашда оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Негаки, инсоннинг шахс сифатида шаклланиши, маънавиятининг юксалиш жараёнлари оила бағрида юз беради. Шунинг учун ёш авлоднинг маънавий камол топишида оилага муҳим маскан сифатида қаралади.

Боланинг мукамал тарбия топиши унинг давомий ривожланишига замин яратди. Уни ўраб турган атроф-муҳитда, жамиятда содир бўлаётган воқеаларга ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб фикр билдириши у билан ота-онанинг тарбиявий, маънавий мулоқотида ўз аксини топади. Ёшликда салбий ҳолатларга гувоҳ бўлиш натижасида болада ёт ғояларга мойиллик шаклланади. Уни бундай ғоялардан ҳимоя қилиш ота-онанинг зиммасига катта масъулият юклайди. Она меҳр-муҳаббат ила тўғри йўлга йўналтира олиши, ота эса мардлик-жасурликка ўргатиши баркамол шахс ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Мамлакатимиз раҳбари ёшларимизнинг иймон-этиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, мустақиллик тафаккури, маънавиятини шакллантириш муҳим вазифа эканлигини таъкидлаб келмоқда. Зотан, ёш

сики, бу борада ҳўжакўрсинга иш қилиш ярамайди. Инсонларда, хусусан, ёшларда маънавиятининг шаклланиши анча мураккаб ва машаққатли жараён ҳисобланади. Буни амалга ошириш учун кенг қамровли маънавий, маданий ва тарбиявий ишларни олиб бориш даркор.

Тарбия масаласи давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилгани ҳам бежиз эмас. Чунки Президентимиз таъкидлаганларидек, тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қиладди. Ҳозирги кунда бу масалаларга биринчи даражали аҳамият беришимизнинг сабаби шундаки, имонли, эътиқодли ва маънавияти кучли, миллий масъулият туйғуси қалбида чуқур илдиз отган, маънавий баркамол инсонларгина буюк ишларга қодир бўлади.

Инсонни маънавиятли, баркамол қилиб тарбиялаш хусусида Шарқ маънавияти тарихида дастуруламал вазифасини ўтаган кўп пандномалар, қимматли асарлар мавжуд. Жумладан, Кайковуснинг «Қобуснома», Саъдийнинг «Гулистон», «Бўстон», соҳибқирон Амир Темурнинг «Темур тузуқлари», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», «Насоим ул-муҳаббат» ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Шу тариқа инсонни маънавиятли, комил бўлишида аждодларимиз муносиб ҳисса қўшишган, ҳозирги кунда ҳам уларнинг ўғитлари дастуруламал бўлмоқда.

Маънавий комил инсон – энг бадавлатдир. Могу давлати кўп бўлган одам бой эмас, балки маънавий етук инсон бойдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари билан қанчалик одамларга фойда келтирса, ёмонларни тўғри йўлга солса, нур устига аъло нур бўлади. Дунёда ҳалол ва пок яшашни ўзи учун ҳаёт мазмуни деб биладиганлар кўпчиликни ташкил этади. Айнан ана шундай инсонлар ва уларнинг эзгу ишлари туфайли дунёда яхшилик, маънавият ҳамиша барқарор бўлиб келади.

Маънавиятли инсон шўҳрат, мансаб, моддий бойлик ортидан қувмайди, қийинчиликлар унинг қаддини бука олмайди. Унга қарши уюштирилган ҳар қандай фитналар руҳиятини маҳв эта олмайди. Демак, юксак маънавиятга эга инсон – фидойилик, жасорат, мардлик, бағрикенглик, Ватани севиш, миллий

Ҳалоллик – инсонларнинг олижаноб бўлиши йўлидаги хатти-ҳаракатлар мажмуаси, меҳнати эвазига орттирган мақомидир. Буюк аллома Маҳмуд аз-Замахшарий бу ҳақда шундай насиҳат қиладди: **«Ҳалол ва покиза киши доимо хотиржаму тинчликда, бировга хиёнат у ёмонлик қиладиган киши эса ҳалокатга гирифторм»**. Шунинг учун ота-боболаримиз ҳалолликка алоҳида эътибор қаратганлар.

Ҳаё – бу уят демақдир. Ўз ноҳўя хатти-ҳаракатларидан, ишларидан уялиш ҳисси фақат одамларгагина хос хусусият. Фарзандларимизни шарм-ҳаёли қилиб тарбиялаш миллий тарбиянинг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Орият – одамнинг ўзига номуносиб ёки эп кўрмаган ишдан, нарсдан хижолат тортиш, номус қилиш туйғуси. Ориятли инсонлар ўзлари ва оилаларининг, туғишганларининг иззатнафси, қадри, ҳурматини юксак тутиб, бошқалар томонидан топталиши, ҳақорат қилиниши ва ҳурматсизланишига лоқайдларча қараб турмайди.

Ватанпарварлик деганда Ватан олдидаги масъулият ва бурч тушунилади. Инсон Ватан манфаати, кадр-қиммати, тақдири, истиқболини қанча чуқур англасса, ватанпарварлик туйғуси шунчалик кучли бўлади. Ҳақиқий ватанпарварлик миллат, Ватан манфаати билан яшаш, унинг истиқболи, манфаати йўлида меҳнат қилиш ва курашишдир.

Маънавият – инсонни азиз ва муқаррам қиладди. Ҳазрат Навоий одамларнинг маънавий камолот даражасини иккига – аҳли маъни ва аҳли суратга бўлган.

Аҳли маъни – ҳар сўз, воқеликнинг асл сабабига қизиқадиган, улардан ҳикмат, мазмун, ибрат олиб, ўзини бойитадиган кишилардир.

Аҳли сурат – ҳар нарса, воқеанинг шаклини, сиртини кўрадиган, маъносига бевфарк, кўрганига тақлид қиладиганлар тоифаси. Уларни болаларга ўхшаган катталар, деса ҳам бўлади. Масалан, кўр-кўрона бировларга таассуб қилиб, гийҳвандлик балосига гирифторм бўлганлар, қадду қоматини кўз-кўз қиладиган тунги клублар аҳли.

Мамлакатимизда ҳар қандай ислохотлар, энг аввало, одамлар онги ва дунёқарашига, руҳий оламига мослаштириб олиб борилаётганлиги сабабли фуқароларнинг яратувчанлик ва бунёдкорлик имкониятлари тобора кенгаймоқда. Уларда Ватан, миллат, ғурур тушунчалари чуқурлашмоқда. Зеро, бу Ватанда инсон азиз, маънавият эса уни янада азиз қиладди.

Азизжон ФАЙЗИЕВ, ИИБ ШТБХ Тарбиявий ишлар бошқармаси катта инспектори, катта лейтенант.

Долзарб мавзу

ЯНГИ НИЗОМ ТАЛАБЛАРИ

2014 йил 3 июнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 141-сон Қарори қабул қилинган эди. Ушбу Қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2015 йил 3 февралдаги 19-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг олий ҳарбий таълим

муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 9 февраль куни 2654-сон билан рўйхатга олинди. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ШТБХ бошлигининг ўринбосари, подполковник Алишер УСМАНОВдан ушбу Низомдаги янги талаблар, унинг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.

– Мазкур Низомдан кўзланган асосий мақсад ИИБ Академияси, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти ҳамда Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабига интеллектуал салоҳияти юқори ва ҳар томонлама пухта тайёргарликка эга ёшларни танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидаларини янада такомиллаштиришдан иборат.

Авваламбор шуни эслатиб ўтишни истардимки, ИИБ олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун номзодлар Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 8 январдаги 16-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида хизматни ўташ тўғрисидаги муваққат низом»да белгиланган талабларга жавоб бериши зарур. Унда ўқишга қабул қилинувчи номзодларнинг ёши қабул йилида фуқаролар учун 17-23 ёш, офицерлик ҳарбий ва махсус унвонларига эга бўлмаган ички ишлар органларининг ходимлари ва ҳарбий хизматчилари учун 25 ёш этиб белгиланади. Олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга бўйи 170 сантиметрдан паст бўлмаган йигитлар ва бўйи 165 сантиметрдан паст бўлмаган қизлар қабул қилинади.

ИИБ олий ҳарбий таълим муассасалари тингловчилари ва курсантлари контингентини сифатли бутлаш учун ҳарбий-профессинал йўналишида, дастлабки танлаш, ҳарбий-профессинал танлаш ҳамда тест синовларини назарда тутувчи комплекс босқичма-босқич танлаш амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бош бошқарма, бошқарма, бирлашма, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош

бошқармаси, вилоятлар ва Транспортдаги ички ишлар бошқармаларининг ишчи гуруҳлари ва олий ҳарбий таълим муассасаларининг қабул комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш учун Ўзбекистон Республикаси



Ички ишлар вазирининг буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Шахсий таркиб билан ишлаш хизматида ишчи гуруҳ тузилади. Олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун аризалар (билдиргилар) қабул йилидан олдинги йилнинг 15 ноябрдан қабул йилининг 15 февралига қадар қабул қилинади. Олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришни хоҳлаган фуқаролар ўзларининг яшаш жойидаги ички ишлар органига ариза билан, ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилар ўз хизмат ўташ жойига билдирги билан мурожаат қилади.

Дастлабки танлаш тадбирлари ИИБ-ИИББ-ИИБлар ишчи гуруҳлари томонидан 15 ноябрдан 1 апрель кунига қадар фуқаро ёшлар учун яшаш жойидаги тегишли ички ишлар органларида, ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилар учун хизмат қилиш жойидаги ички ишлар органларида, тегишли ҳарбий қисмларда (муассасаларда) ўтказилади.

Номзод ариза (билдирги) билан мурожаат қилган кундан бошлаб 10 кун ичида ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилар билан тегишли ИИБ-ИИББ-ИИБ бошлиқлари, ҳарбий қисмлар (муассасалар), бўлинмаларнинг командирлари томонидан, фуқаро ёшлар билан ИИБ-ИИББ-ИИБ бошлиқлари томонидан яқка тартибдаги суҳбат ўтказилади.

Номзодларни индивидуал-психологик ўрганиш улар билан яқка тартибда суҳбат ўтказилган кундан бош-



лаб 10 кун ичида ИИБ-ИИББ-ИИБ ишчи гуруҳи таркибига киририлган психологлар томонидан уларни психологик тест синовидан ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Психологик тест синови натижалари бўйича номзодни олий ҳарбий таълим муассасасига кириш учун тавсия этиш ёки тавсия этмаслик ҳақида хулоса чиқарилади. Психологик тест синови натижалари бўйича олий ҳарбий таълим муассасасига кириш учун тавсия этилган номзодлар дастлабки танлашнинг кейинги тадбирларига қўйилмайди. Уларнинг ҳужжатларини тўплаш ва ўрганиш ишлари эса тўхтатилади. Номзодларнинг умумжисмо-

ний тайёргарлиги даражасини баҳолаш ИИБ-ИИББ-ИИБ ишчи гуруҳи таркибига киририлган муассасалар томонидан индивидуал-психологик ўрганиш ўтказилгандан кейин 15 кун ичида ИИБ-ИИББ-ИИБ ишчи гуруҳи раиси белгиланган муддатда ўтказилади. Шуни алоҳида эслатиб ўтиш керакки, номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашдан олдин улар соғлигининг ҳолати тўғрисида тиббиёт муассасасининг маълумотномасини, ходимлар ва ҳарбий хизматчилар эса ўзларига тиббий хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасасининг маълумотномасини тақдим этиши керак. Худди психологик тестда бўлгани сингари, умумжисмоний тайёргарлик даражаси бўйича белгиланган талабларга жавоб бермаган номзодлар ҳам дастлабки танлашнинг кейинги тадбирларига қўйилмайди. Табиийки, ушбу номзодларнинг ҳужжатларини тўплаш ва ўрганиш ишлари тўхтатилади.



Умумжисмоний тайёргарлик бўйича синовлардан муваффақиятли ўтган номзодларга улар мазкур Низомнинг 14-бандида назарда тутилган зарур ҳужжатларни тўлиқ топширганларидан сўнг, тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланма берилади. Номзодларни тиббий кўрикдан ўтказиш ИИБ-ИИББ-ИИБларда махсус ташкил этиладиган тиббиёт комиссиялари томонидан

амалга оширилади. Соғлигининг ҳолатига кўра олий ҳарбий таълим муассасасида ўқишга яроқсиз деб ҳисобланган номзодлар ҳарбий-профессинал танлаш тадбирларига қўйилмайди.

Ҳарбий-профессинал танлаш тадбирлари июнь ойида олий ҳарбий таълим муассасаларида ўтказилади. Ушбу тадбирлар жараёнида номзодларнинг ҳужжатлари ўрганилади, ўзлари психофизиологик жиҳатдан ўрганилади, тиббий кўрикдан ўтказилади. Бундан ташқари, улардан ёзма иш (диктант) олинади, компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражаси текширилади. Соғлигининг ҳолатига кўра олий ҳарбий таълим муассасасида ўқишга яроқсиз деб ҳисобланган номзодлар ҳарбий-профессинал танлашнинг кейинги тадбирларига қўйилмайди.

Охирида эса улар билан яқка тартибдаги якуний суҳбат ўтказилади. Яқка тартибдаги якуний суҳбат натижалари бўйича номзодни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларини топширишга қўйиш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилинади. Янги қабул қилинган Низомнинг бошқа талабларини ИИБ олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришни истовчилар жойлардаги ички ишлар идораларининг мутаассадди ходимларидан ёки ўзлари хизмат қилаётган ҳарбий қисмларнинг раҳбарларидан, шунингдек ИИБнинг расмий MVD.UZ веб-сайтидан билиб олишлари мумкин.

Бобомурод ТОШЕВ
ёзиб олди.

Хориж тажрибаси

НОРВЕГИЯ ПОЛИЦИЯ ТИЗИМИ

Миллий полиция Норвегияда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича фаолиятга жавоб берувчи асосий ташкилот ҳисобланади. Унинг таркибига олтига бўлим кирди. Ушбу бўлимлар экспертиза кўмаги кўрсатишдади, баъзи ҳолларда эса айблов органи вазифасини бажаришдади. Норвегия полиция хавфсизлик хизмати бевосита Адлия вазирлигига ва Миллий полицияга бўйсунди. У давлат хавфсизлигини таъминлаш ва мамлакат мустақиллигини ҳимоя қилиш билан шуғулланади.

Фавқулодда вазиятлар юзага келганда, қутқарув операциялари ўтказилаётганда, фуқаролик тузилмаларининг имконияти чекланган бўлса, полиция ҳарбийлашган тузилмалардан ёрдам сўраши мумкин. Бундай ҳолатларда жалб этилган ҳарбийлашган тузилмалар полиция идораларига бўйсундирилади ва Миллий

полиция фаолиятини тартибга соладиган қонунлар талабларига риоя этадилар. Миллий полиция таркибига 27 та полиция округи кирди. Уларга полиция раҳбарлари бошчилик қилишади. Ҳар бир полиция округи ўзининг бош офиси ва қатор полиция постларига эга. Полиция округлари ўз навбатида бўлин-

маларга бўлинади. Уларнинг сони 300 дан ошди.

Жиноят қидирув миллий хизмати полиция округларига махсус ёрдам кўрсатади. Бундан ташқари, уюшган жиноий гуруҳлар фаолияти билан боғлиқ комплекс ишлар, оғир жиноятлар бўйича тергов қилиш ва айблов хулосалари чиқариш билан шуғулланади. Ушбу хизматнинг марказий бўлими мамлакат пойтахти – Осло шаҳрида жойлашган. Штатлар сони 400 кишига яқин. Асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

– Жиноят ишларини тергов қилиш. Мазкур фаолият уч йўналишга бўлинади: жиноят ишлари бўйича тер-

гов жараёнини бошқариш ва назорат қилиш; умумжисмоний ишларни тергов қилиш (шу жумладан, сўроқларни ташкил этиш ва шу кабилар); жиноий жиноятлар соҳасида таҳлилий ишларни олиб бориш.

– Суд экспертизаси хизмати.

– Полиция жиноят разведкаси: жиноий гуруҳларга ва жиноятчилар фаолиятига тааллуқли ахборотларни тўплаш ҳамда таҳлил қилиш.

– Халқаро полиция ҳамкорлиги хизмати.

Жиноят қидирув миллий хизмати халқаро микёсда (Интерпол, Европол, Шенген битими қатнашчилари

бўлган давлатларнинг ахборот тизими, Фронтекс ва бошқалар) ҳамкорлиқни ташкил этиш учун жавоб берувчи миллий микёсдаги асосий муассаса ҳисобланади.

Иқтисодий ва экологик жиноятлар соҳасида тергов ишларини олиб борувчи ва даъвони илгари сурувчи миллий маъмурият ўз йўналишида полиция вазифасини ҳам бажаради, айблов эълон қилиш ваколатига ҳам эга. Ушбу маъмурият иқтисодий ва экологик жиноятларга қарши курашиш мақсадида бошқа полиция идоралари билан бирга кузатув хизматлари, бизнес тузилмалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади. У ўз фаолият йўналишига кўра қуйидаги вазифаларни бажаради:

– тергов-тезкор тадбирлари ташкил этади:

– айблов эълон қилади ва судда айбловчи ролида иштирок этади;

– тергов-тезкор ишлари билан шуғулланади;

– миллий ва хорижий ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига, айблов органларига ёрдам беради;

– Норвегия полицияси ва айблов органлари ходимларининг малакасини оширишга, ахборот алмашувини яхшилашга кўмаклашади;

– разведка ишлари олиб боради ва шубҳали пул ўтказилиши ҳолатларини тергов қилади;

– миллий назорат ташкилотлари учун маслаҳат берувчи идора ролини бажаради.

(Давоми бор).

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Тарбия

Халқимизда азалдан муқаддас ҳисобланган оиладаги урф-одатлар, анъана ва қадриятлар юксак тарбия манбаи сифатида қадрланган. Жамиятнинг мустаҳкам ва барқарор бўлиши кўп жиҳатдан оилалар тинчлигига боғлиқ. Жумладан, эр ва хотин, қайнона-келин ўртасидаги илиқ муносабатлар оила тинчлигини таъминлашда катта ўрин тутди.

Оила пойдеворининг мустаҳкам бўлишида ота-онанинг ўрни бекиёсдир. Шахсининг ҳаёт тўғрисидаги илк тушунчаси, тасаввури мана шу кўрғонда шаклланади. Фарзанднинг феъл-атвори, табиатини белгилайдиган маънавий қарашлар ота-онаси кўмагида пайдо бўлади. Яхшилик, меҳр-оқибат, ор-номус, андиша, ўзгаларни ҳурмат қилиш каби тушунчалар энг биринчи оилада камол топади. Ота-оналар ўз фарзандларига ҳар жиҳатдан ибрат бўлса, бу даргоҳнинг пойдевори мустаҳкамланади. Буюк мутафаккир Абдурауф Фитрат фарзанд тарбиясининг нечоғлик аҳамиятли эканлиги ҳақида шундай деган: «Оиладаги энг оғир вазифа бола туғилгандан кейинги фарзанд тарбиясидир. Фарзанд тарбияси аслида икки калимдан иборат. Шунинг учун ҳам назарингизда жуда майда муаммодек кўринади. Лекин доно одамлар биладиларки, бани Одамнинг сиёсий, диний, ижтимоий инқилобларининг асоси ана шу икки сўз – «бола тарбияси»дан иборат бирикмага боғлиқ. Бу – халқнинг ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб хорликка тушиши, фақирлик жомасини кийиб, бахтсизлик юкини тортиб эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе, қул ва асир бўлиши болалиқдан ўз ота-

оналаридан олган тарбияларига боғлиқ».

Оилада ота-онанинг ўз бурч ва вазифалари бор. Аммо ана шу вазифалар унутиб қўйилса ёки бажарилмаса, орада жанжал чиқиб, тинчлик йўқолади, оиланинг бузилишига сабаб бўлади.

Ҳозирги кунда кўпгина ота-оналар ўз ўғилларига оила бошлиғи қандай бўлиши кераклиги, оиласини кўз қорачиғидек асраши лозим-

фарзандининг илмли, ҳунарли, мустақил фикрлайдиган етук инсон бўлиб етишини истамайди дейсиз? Ахир, оила қуришдан мақсад моддий фаровонликка, бойлик орттиришга эришиш эмас, балки фарзанд кўриб, уларни вояга етказиб, комил инсон қилиб тарбиялашдан иборатдир. Бунинг учун сабр-тоқат, ақл-идрок керак. Ота-боболаримиз биздек фаровон яшамаган бўлсалар-да, аммо сабр-тоқатли, бир-бирларини ҳурмат қилишган, оилани муқаддас деб билишган.

Улуғ адиб Абдулла Қодирӣ «Ўткан кунлар» асарида «Бу от савдоси эмас, умр савдоси, биродар» дея турмуш қуришининг нечоғлик масъулиятли эканлигини таъкидлаб ўтган.

Оиланинг мустаҳкам

либ, у бор уйда тартиб-интизом, қут-барака, файз, тинчлик-хотиржамлик қарор топади.

Шундай экан, тарбияда отанинг ўрни жуда катта. Эътибор берсангиз, ота устун бўлган оилада улғайган болалар билан, она устун бўлган оилада вояга етган болалар ўртасидаги фарқ яққол сезилади. Бундай фарзандлар кейинчалик ҳам оиласига ғамхўр, ота-онасининг қадрига етадиган бўлиб улғаяди. Ота ўғил учун сирдош, она қиз учун дилдош бўлиши лозим. Отанинг ҳар бир ҳаракати фарзандига ибрат бўлишини унутмаслик керак. Чунки аксар болаларда «отам – менинг идеалим» деган тушунча шаклланиб улгурган бўлади.

Минг афсуски, айрим оилаларда отанинг ўрни пайсаиб бормоқда. Арзимас жанжал сабаб хотинини уч талоқ қилиб, осон ва энгил яшашга интиладиган, ичкиликка ружу қўйган, ҳар хил гап-гаштакларни қанда қилмайдиган, маст бўлиб келиб идиш-товоқ синдирадиган,

аёлини, ҳатто ўз ота-онасини ҳақоратлайдиган оталардан бола нимани ўрганади? Бундай оталар ўз фарзандларига намуна бўла оладими? Бир донишманд, тарбия – отадан, деган экан.

Оилада ота шахси улугланмаса, оила мукамал бўлмайди. Она зиммасига юкланган юкнинг нечоғлик оғирлигини ота ҳам ҳис этиши ва бу юкни энгиллаштига ҳамиша тайёр туришлари керак. Зеро, ота – бамисоли қудратли тоғ, оиланинг мустаҳкам устунидир. Оталик бахти эса бола тарбиясидек оғир юкни елкасига олган, солиҳ, ибратли кишиларга насиб этажак.

Дарҳақиқат, оила тарбиянинг, ўзаро ҳурматнинг ўчоғи экан, унда қайнаётган ҳаётнинг гўзал бўлиши учун ота-она масъулдир. Бугун оиласига, фарзандларига етарлича вақт ажрата олмаётган оталар эртага ўзларига нисбатан бемехр бўлиб улғайган фарзандларидан қандай қадр кутиши мумкин. «Ота бўлиш осон, лекин оталик қилиш қийин», деган нақлда отанинг фарзанд тарбиясида тутган ўрни нечоғлик мураккаб эканлигига ишора қилинган.

Фарзандлар нигоҳида қувонч, юрагида умид яратиш, уларнинг келажагини ёруғлантириш, гўзал ахлоқли қилиш ота-онага, айниқса, кўпроқ отага боғлиқ. Оилада ҳеч бир ота ўз ўрнини йўқотмасин. Ҳар бир хонадоннинг соябони – эркаги бўлсин! Аёллар, эса уларни ҳамиша қадрласин ва фарзандларига ҳам шуни ўргатсин.

Муяссар МИРЗАҲМЕДОВА,
ИИБ Тошкент олий
ҳарбий-техника билим юрти
катта ўқитувчиси.

ОТА СИРДОШ, ОНА ДИЛДОШ



лиги, қизларига эса келинлик одоблари, турмуш ташвишларига сабр қилиши кераклиги каби муҳим нарсаларни ўргатиш ўрнига, фарзандларига мол-дунё йиғиш, сеп олиш, ўғлига уй қуриш ташвиши билан яшамоқда. Тўғри, бу ишлар ҳам керак, аммо энг катта эътибор тарбиядир. Қайси ота-она ўз

бўлиши кўпроқ кимларга боғлиқ ва фарзанд тарбиясига ким кўпроқ масъул? Ҳозирги кунда кўпгина аёллар бозорда савдо-сотик ишлари билан шуғулланаётганликлари сабабли фарзанд тарбиясига вақт ажрата олмайдилар. Бу эса ўз ўрнида фарзанднинг турли жиноят кўчасига кириб кетишига, тарбиясининг бузилишига олиб келади. Демак, аёлларни уйга қайтариш керак, деган фикр туғилади. Хўш, бу хулоса тўғрими? Фарзанд тарбиясида онанинг ўрни ва масъулияти юксак, лекин ота ҳам ўз навбатида масъул эмасми? Ота азалдан оиласини моддий таъминловчи инсон сифатида улугланиб келинади. Ота ҳақида жуда кўп ҳикматли сўзлар айтилган. Масалан, ота – уйнинг тўрида ўтирган, ҳал қилувчи гапни айтган, ота ўтирган уйнинг томига фарзанд чикмаган. Фарзанд йўлга отланганда оқ фотиҳани ота берган. «Отага итоат қилмоқ, Оллоҳга итоат қилмоқдир», «Ота рози – Худо рози», «Онали уйнинг ори бор, отали уйнинг – зари».

Хуллас, ота шахси оилада олий даражага кўтари-

... Болангдан қайтади

Бир йигит ўз отасини ҳақорат қилиб урганини кўрган одамлар нафратланиб, у адабсиз ўғилга ҳужум қилмоқчи бўлдилар. Йигитнинг отаси одамларни тўхтатиб:

— Биродарлар, ўғлимга ҳужум қилманг, бу ишда ўғлим эмас, ўзим айбдорман. Йигитлик вақтимда кунлардан бир кун худди мана шу ерда отамни ҳақорат қилиб урган эдим. Отамга қилган адабсизлигим жазосини энди кўриб турибман, отамга қандай муомала қилган бўлсам, бугун ўшандай муомала ўз ўғлимдан қайтди. Нимани эксанг, шуни ўрасан, деб жуда тўғри айтганлар. Мен ота-онамни ҳурмат қилмадим, дилларини оғритдим, у муборак зотлар мenden норози бўлиб кетдилар, энди ўғлим айбдор эмас, биродарлар, айб ўзимда, — деб ўксиниб-ўксиниб йиғлади.

Йигит отасининг сўзларидан таъсирланиб, дод-фарёд қилиб кўз ёшларини тўкди. Дарҳол отасини қучоқлаб, ўпиб, ундан узр сўради. Ота эмасми, у ҳам ўғлининг гуноҳини кечирди, унинг кўз ёшларини артиб, қучоғига олиб эркалади. Бу воқеанинг гувоҳи бўлган халқ ҳам таъсирланиб, кўзларига ёш олдилар.

▼ ҲИКМАТЛАР

Фарзанд ато қуллигин
чу одат қилғай,
Ул одат ила касби
саодат қилғай,
Ҳар кимки атоға
кўп риоят қилғай,
Ўғлидан анга бу иш
сироят қилғай.

Бошни фидо айла
ато қошига,
Жисми қил садқа
ано бошига.
Алишер НАВОЙЙ

Кўпол куч ишлатганга
қараганда яхши гап билан
ҳар доим кўпроқ натижага
эришасан.

ЭЗОП

Ота-онага муҳаббат —
барча яхши фазилатларнинг
асоси.

ЦИЦЕРОН

Барча ахлоқсиз муносабатлар
ичида болаларга тураларча
муносабатда бўлиш энг
оғир ахлоқсизликдир.

Г. ГЕГЕЛ

Ота донолиги болалар
учун чинакам сабоқдир.

ДЕМОКРИТ

Ҳаққонийлик ҳамма жойда,
айниқса, тарбия масаласида
энг муҳим омилдир.

Л. Н. ТОЛСТОЙ

Инсон табиатига болалиқда
сингдирилган фазилатларгина
мустаҳкам ва ишончли бўлади.

Я. КОМЕНСКИЙ

Майли, бола шўхлик ҳам,
тўполон ҳам қилсин, фақат
бу шўхлиги ва тўполони зарарли
бўлмасин, жисмоний ва ахлоқий
ҳаёсизликка айланиб кетмасин;
майли бу шўхлиги ва тўполони беихтиёр,
ўйланмай қилинган бўлсин,
аммо аҳмоқона ва бемаъни бўлмасин,
бинобарин, аслида руҳсизлик ва
жонсизликдан ёмони йўқ.

В. Г. БЕЛИНСКИЙ

Болаларни ҳаммавақт ҳам
тақдирлайверинг ярамайди.
Бунинг оқибатида улар ўзларига
бино кўя бошлайдилар ва болаларда
сал нарсаларга ўзларини тарозига
солиш фикри кучая боради.

И. КАНТ

Ўз ўғлини ҳеч бир фойдали
ишга ўргатмаган одам ўғри
боқайтган бўлади.

Т. ФУЛЛЕР

Битта ота юзта ўқитувчидан
устун демакдир.

Ж. ГЕРБЕРТ

Тинчлик учун курашмоқ керак

ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ!

Истиклол шарофати билан ўзлигимизни, қандай буюк зотларнинг авлодлари эканлигимизни англадик, бунёдкор ва яратувчи халқ сифатида мамлакатимизни улкан салоҳиятини қисқа давр мобайнида бутун оламга намоён қила олдик. Мустақиллик берган беқиёс имкониятлар натижасида эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида даража олган бормоқдамиз, миллий ўзлигимизни теран англаб етаяпмиз, миллий меросимизга эга бўлдик. Юртимизда тинчлик-осойишталикни, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тотувлик, ҳамжиҳатликни қарор топтириш, сақлаш ҳамда мустаҳкамлашда, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини юксалтиришда, одамларнинг тафаккурини ўзгартириш, уларнинг онгида миллий ғоя асосларини шакллантириш ва мустаҳкамлашда давлатимиз раҳбарининг хизматлари беқиёсдир.

Мамлакатимизда халқимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда илғор жаҳон тажрибаларини мужассамлаштирган иқтисодий ислохотларнинг янги модели ишлаб чиқилди. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, қонун устуворлиги, ўтиш даврида давлатнинг бошқа-

рувчилик роли, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш, кучли ижтимоий ҳимоя каби машҳур беш тамойилни ўз ичига олган бу модель дунёда «Ўзбек модели» деб эътироф этилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг барча шахару қишлоқ-

ларида улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, чиройли маъмурий бинолар ва замонавий уй-жойлар, хиёбону дам олиш масканлари қурилаётганлигига барчамиз гувоҳимиз. Юртимизни янада тараққий топтириш, тинчлиги ва осойишталигини сақлаш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи эканлигини унутмаслигимиз лозим. Улуғ аждодларимиз илму фан ва маънавият соҳасида дунё халқларини ҳайратга соладиган улкан ишларни амалга ошириб келишган. Миллий маънавиятимизни ривожлантириш, бизгача етиб келган юксак маънавий бойликларни кўз қорачигидек асраб келгуси авлодларга етказиш шу юртда яшайётган ҳар бир инсоннинг вазифаси ҳисобланади.

Инсоният тарихи ғоялар тарихидир. Ғоя эса инсон тафаккури маҳсули. Миллий ғоя

инсон ва жамият ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуидир. Мафкура эса муайян ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад-муддаолари, манфаатлари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида муҷассам этадиган ғоялар тизимидир.

Бироқ ҳамма даврда бўлгани каби, ҳозирги кунда ҳам билими саёз, лоқайд ва ирода-си суст инсонлар мавжуд. Бундай инсонларнинг маънавий-ахлоқий қарашлари ҳам қашшоқ бўлади. Турли диний-экстремистик ва террористик оқимлар даъватчиларига бу жуда яқин келмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, улар ақли саёз, ирода, иймон-эътиқоди шаклланмаган, ғўр ёшларни динни ниқоб қилиб, алдов

йўли билан турли терорчилар сафида бирлаштириб, бошқариб, уларни нафақат қурол-яроғ, аввало, вайронкор мафкура билан таъминлаб туришибди.

Шундай экан, диний экстремизм мафкурасига қарши курашдаги асосий вазифа аҳоли, хусусан ёшлар ўртасида олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий ишларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишдан иборат. Давлатимиз раҳбари бу борада алоҳида тўхталиб: «Биз ҳаётга катта орзу-умидлар билан кириб келаятган ёшларимизга бир ҳақиқатни, яъни, «Эй болам, сенинг Ватанинг битта – барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон. Ота-боболарингнинг хоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт. Нафақат сени ўз ҳаётинг, балки

сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдаклар, нуруний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоғлиқ адо этишингга боғлиқ» деган тушунчани уларнинг қалбига, онгу шуурига синдиришимиз даркор», дея уқтирган эдилар.

Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геосиёсий, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй беряпти. Турли мафкуралар тортишуви кескин тус олмақда. Ана шундай бир вазиятда Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан илгари сурилган фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозимлиги ҳақида даъвати ҳар қачонгидан кўра муҳимроқ аҳамият касб этмоқда.

Тўлқинжон
ТЎХТАСИНОВ.

Саломатлик сабоқлари

ТИРНОҚЛАР РАНГИ ХИРА ТОРТСА...

Чиройли ва текис тирноқлар кимга ҳам ёқмайди, дейсиз. Чунки у инсоннинг ташқи кўринишига ҳусн қўшиб туради. Лекин тирноқларнингиз қинғир-қийшиқ бўлса ёки йўғонлашиб, ранги хира тортса эрталабдан таъбингиз ҳам хиралашади.

Шу ўринда шифокор сифатида мавзуга оид бир мисол келтирмоқчимиз: шифокор қабулига келган киши негадир бош бармоғининг тирноғини беркитишга ҳаракат қиларди. Сабаби суриштирилганда у ҳайрон бўлиб: тирноғимнинг касалимга нима алоқаси бор, деди...



Хўш, бу қандай касалликнинг аломати? Одатда тиббиёт тилида тирноқларнинг бундай зарарланиши «**онихомикоз**», дейилади. Бунда паразит замбуруғлар тирноқ ҳужайраларини шикастлантиради (ейди). Оқибатда тирноқ ўз хуснини, рангини йўқотади, хиралашиб йўғонлашади ва четидан уваланиб, кўча бошлайди. Бу жараёнда бир-иккита ёки қўл-оёқлардаги барча тирноқлар зарарланиши мумкин.

Касалликнинг сабаб-чиси бўлмиш патоген замбуруғлар манбаси бемор одам ҳисобланади. Билиб-билмасдан бировнинг оёқ-қийимини кийиш, айниқса, сунъий чармдан тайёрланган пойабзаллардан фойдаланиш замбуруғларнинг тезроқ юқишига имконият яратади.

Яна таъкидлаш керакки, фаслга мос бўлмаган ёки тор (кенг) туфли ва этиклар кийиш натижасида тери турли хил майда (микро) жароҳатлар олади. Айниқса, оёқлари нам бўлиб терлаб юрадиганларга замбуруғлар тез юқади. Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, умумий фойдаланиладиган ҳаммомда санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилмайди, бировнинг оёқ кийимини киядиганлар бу касалликни тез юқтириб олади.

Инсон бу касалликка чалинганини узоқ йиллар давомида билмай юриши мумкин. Одатда кўпроқ оёқларнинг бош бармоғи — тирноғи зарарланади. Хасталикнинг дастлабки белгиси тирноқ пластинкасининг эркин четидан бошланиб, шу жойда аста-секин хира

доғ пайдо бўлишидир. Бунда заҳарли замбуруғлар таъсирида тирноқ пластинкаси қалинлашиб, кўтарилади. Худди чирган дарахт каби ичи бўш бўлиб қолади. Кейинчалик замбуруғлар янада унинг ичига қиради ва бутунлай эгаллаб олади. Натижада зарарланган тирноқ пластинкалари мўртлашиб, увалана бошлайди. Худди мана шу уваланган тирноқлар ичида минг-минглаб юқумли замбуруғлар жойлашади ва бошқа одамга юқади. Баъзан шундай бўладики, фақатгина битта қўл ёки оёқ тирноғи зарарланиши ҳам мумкин. Унга эътибор бермай, узоқ йиллаб бу тоифадаги беморлар даволанмайди. Кейинчалик уйда оила аъзоларидан бирига юқади. Айтиш жоизки, кўпинча, бу оталардан ўғиллари-

га, оналардан қизларига юқади.

Кези келганда тирноқларнинг нормал тузилишига эътиборни қаратсак. Тирноқлар тўртбурчакли, мугузланган зич юпқа пластинкалардан тузилган бўлиб, орқа ва ён четлари қўлоёқ териси бурмаларида ботиб туради. Тирноқ пластинкасида тирноқ танаси, олдинги эркин учи, иккита ён чети ва илдизи тафовут қилинади. Тирноқлар илдизи деярли бутунлай тери бурмалари билан ёпилиб туради. Пластинканинг танаси эса ҳар бир тирноқ ўрнида жойлашади. У қалин жойлашган мугуз (шоҳ) таначалардан тузилган бўлиб, баъзи жойларида эпидермиснинг (тери) зич қоплами билан боғланиб кетади. Тирноқларнинг ўрнида қатор ва узунасига йўналган пластинка

ости бурмалари бор. Худди шу бурмаларда уларни озиқлантирувчи қон томирлари жойлашган.

Тирноқ ҳужайралари узлуксиз бўлинади, яъни ўсади. Тинмай шохланиш натижасида тирноқ пластинкаси олдинга силжийди. Қўл тирноқлари ҳафтасига 1 мм., оёқ тирноқлари эса 0,25-0,3 мм. ўсади. Таъкидлаш керакки, тирноқларнинг илдиз қисми бармоқ суякларига бирикади. Илдизнинг бармоқ суяклари устки қисми пардасига бундай бирикиши тиббиёт амалиётида жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки тирноқлардан бошланган яллиғланиш суякларга ўтиб кетиши мумкин.

Онихомикозда аксарият бармоқлар териси ҳам зарарланади. Беморнинг панжалари оралиғи қичиб юради. Мабоодо, тик ҳолатда юрадиган бўлса, ҳатто оёқ териси ёрилиб, шишиб кетади. Оқибатда, меҳнат фаолияти кескин пасаяди, юриш имкониятлари чегараланиб қолади.

Хўш, бундай пайтларда нима қилиш керак?

Авваламбор, касаллик юқмаслиги учун иложи борича доимий равишда шахсий гигиена қоидаларига риоя

қилиш зарур, ҳеч қачон бировнинг оёқ кийимини кийиш керак эмас. Айниқса, умумий ҳаммомларга тушганда. Мабоодо, оёқлар бармоқлари оралиғида қичишиш сезилса уларни дарҳол 3-5 фоизли йод эритмаси билан артиш лозим. Сода-совунли илик ванна қилинади. Лекин тирноқлар пластинкалари хира тортиб, дағаллашиб қолган бўлса, унда юқоридаги дорилар яхши наф бермайди. Бундай вазиятларда шифокор тавсиясига кўра, махсус воситалардан фойдаланиш тавсия этилади. Муолажалардан сўнг тирноқлар пластинкалари аввалги ҳолатига келиб қолади. Теридаги қичишишлар бутунлай йўқолади. Фақат оёқ кийимларни алмаштириш зарур, чунки унда қолиб кетган замбуруғлар яна юқишини унутмаслик керак.

Умуман олганда, ҳар бир инсон фаслга мос, ўзига ярашган оёқ кийимини кийиб, шахсий гигиена қоидаларига эътибор берса, унга ҳеч қачон зарарли замбуруғлар юқмайди.

Эгамберди ЭШБОЕВ,
тиббиёт фанлари
доктори,
профессор.

Жиноят оламида

Учиға чиққан фирибгарлар

Бу кимса кўринишдан кўримсизгина йигит эди. Юридик коллежга ўқишга кириб, кейин уни ташлаб кетди. Бизнес билан шуғулланмоқчи бўлди. Аммо омади чопмади. Анча-мунча пулга куйиб қолди. Устига устак фирибгарлик билан шуғуллангани учун судланди.

1999 йилда у Париждаги коллежларнинг бирига раҳбарлик қиладиган Гислен Маршан (қизлик фамилияси де Ведрин) хонимга учраб, фаррошликка қабул қилишни сўради. Гислен хоним Тьерри Тиллининг таржимаи ҳоли билан танишгач, уни ишга олишга кўнгли чопмади. Анча пайт иккиланиб юргач, ёш йигитга раҳми келиб, унга яна бир бор имконият беришга қарор қилди.

Ҳаммаси ана шундан кейин бошланди. Гислен хоним фаррош йигит қандай қилиб бутунлай унинг ишончини қозонганини сезмай қолди. Бу ҳам етмагандек, Тьерри Тиллини қариндошлари билан таништирди. Шундай қилиб, Тилли де Ведринлар хонадонининг кунда шунда меҳмонига айланди.

У ўзининг ғаройиб ҳикоялари билан бу аслзодалар авлодига мансуб хонадон аҳлини қизиқтириб қўйди. Айниқса, нуфузли одамлар билан танишлигини айтиб, молиявий жиҳатдан фойдали операциялар таклиф қилгач, хурмати янада ошиб кетди. У де Ведринларга лойиҳалар учун тикадиган сармояларига ҳар ойда ўн фоиздан даромад ваъда қилди. Дастлаб ваъдасининг устидан чиқди ҳам. Буни қандай уддалагани, шунча пулни қаёқдан олгани ҳанузгача номаълум.

Фирибгар ниҳоят хонадон аъзоларининг ишончини бутунлай қозониб бўлгач, ҳийла-найрангларини бошлаб юборди. Уларга қадимий оксуяклар авлодининг давомчилари бўлганликлари сабабли яширин масонлар жамияти хавф солаётганини айтди. Сўнг яхудиёлар таъқиб қилаётганини, ҳатто телефон кўнғироқларини эшитиб туришганини қўшди. Ўзини ёвуз кучларга қарши курашувчилар жамияти вакили эканлигини таъкидлаб қўйди. Кейинроқ «Мен аслида НАТОнинг энг моҳир жосусиман. Вазифам – сизларни ҳимоя қилиш», деди. Ведринлар лўттивознинг сўзларига чиппа-чин ишонишди.

Орадан пича вақт ўтиб найрангбозликка 65 ёшли Жак Гонсалес қўшилди. Тилли уни Испания қироли Хуан Карлоснинг қариндоши, Ведринлар оиласини ҳимоя қилиш учун ташкил этилган грантлар раҳбари деб таништирди. Тьеррининг ўзи ҳам Канадада хайрия жамғармаси тузди. Жамғарма ҳисобига гўёки де Ведринлардан олган пулларни ўтказгандек кўрсатди ўзини.

Кейинроқ Тилли де Ведринларни ҳамма ишини ташлаб, кўздан узокроқ жойга яшириниш зарурлигига ишонтирди. Оила аъзолари Бордо шаҳридан 160 қақирим узокда жойлашган, ўзларига қарашли Монфланкен қалъасига кўчиб ўтишди. Улардан кўпчилиги ана шу гадоё топмас жойда 2001-2008 йиллар давомида зоҳидларга ўхшаб ҳаёт кечирди.

Ўтган давр ичида Тилли билан Гонсалес уларни ўзларига қарашли мол-мулкнинг катта қисмини сотишга мажбур қилишди. Бу савдодан тушган пулларни гўёки оила аъзоларини ҳимоя

ришди: аввалига Францияда солиқ тўламай қўйишди, сўнг Оксфордда яшаётган уйлари учун ижара ҳақи тўлашни тўхтатишди. Натижада судма-суд юришга мажбур бўлишди.

2004 йилда Тилли оиланинг ёш аъзоларини Лондонга олиб кетди. Шаҳарга боришгач, уларнинг ҳамма пулини олиб қўйди. У шунчалик хасислик қилардики, ҳатто болаларга яроқлилик муддати ўтган егуликларни арзонгаровга сотиб оларди. Гислен Маршаннинг айтишича, Тьерри Тилли оила аъзоларини бир-бирига қарши қайрарди, фитналар билан кўрқитарди. Улар шунчалик кўрқиб қолиш-



қилиш мақсадида сарфлаш учун олиб қўйишди. Хуллас, фирибгарлар шўрлик аслзодаларни жами 4,5 миллион еврога чув туширишди. Бечоралар деярли барча нарсаларини, ҳатто кумуш идиш-товокларию никоҳ узукларини ҳам сотишди. Найрангбозлар бу буюмларга масонлар ўзларининг оилага зиён-заҳмат етказувчи сирли битикларини битишган деб кўрқитишди.

2006 йилда (бошқа маълумотларга қараганда, 2007 йилда) оиланинг тўққиз нафар аъзоси Тиллининг маслаҳатига кўра қалъани сотиб, Оксфордга кўчиб кетишга рози бўлишди. Уларнинг аксарияти туппа-тузук жойларда ишлашарди. Масалан, Филипп нуфузли компаниялардан бирининг топ-менеджери эди. Шарль-Анри моҳир шифокор-гинеколог эди, бунинг устига сиёсий фаолият билан ҳам шуғулланарди. Гислен эса, юқорида айтганимиздек, коллежга раҳбарлик қиларди. Улар ана шундай обрўли касб-корларидан воз кечиб, Оксфордда бог-бон, ошпаз бўлиб ишлаб бошлашди. Барчаси ҳақиқий ҳаётдан узоклашиб бораве-

гандики, ҳатто мустақил фикрлай олишмасди. Тилли оила аъзоларини шунчалик ўзига бўйсундиргандики, уйда ойлаб бўлмаслигига қарамай, уларни телефон ёки электрон ёзишмалар орқали ҳам бошқара оларди.

Вақти-вақти билан оила аъзоларидан кимдир исён кўтариб турарди. Лекин бошқалар уни дарҳол қаттиқ жазолашарди. Биринчи бўлиб фирибгарни Гисленнинг эри журналист Жан Маршан чинакамига фош этди. Афсуски, хотини билан болалари уни бу қилмиши учун шайтоннинг малайига чиқариб қўйишди. Журналист полицияга мурожаат этди. Жабрдийдалардан ариза-шикоят тушмагач, полициячилар унинг мурожаатини кўриб чиқишмади.

Бу орада Тилли Гисленни эри билан ажрашишга кўндирди. Хайриятки, улар кейинроқ ярашиб, ушбу тулук устидан бўлиб ўтган суд мажлисларига бирга қатнашди. Жан Маршан ҳатто 2010 йилда Тьерри ҳақида фош этувчи мақола ҳам ёзди. Мазкур мақоласида Тиллига «мияларни ўғирловчи» дея таъриф берди.

Ҳаммасидан ҳам оила аъзолари Тьеррининг кўрсатмасига кўра Шарль Анрининг хотини 62 ёшли Кристинни алоҳида хонага қамаб қўйишгани ўтиб тушди. Уни калтаклашар, суткалаб деворга қараб стулда ўтиришга мажбурлашар, шўрликка ҳеч қандай егулик беришмасди. Нима эмиш, у тамплиерларнинг банкдаги сирли хазинаси сақланадиган ҳисоб рақамини билар эмиш. Кристин бир амаллаб англиялик танишлари кўмагида қочишга муваффақ бўлди. Шундан сўнг дарҳол полицияга арз қилди.

Тьеррини 2009 йилнинг октябрь ойида Швейцарияда қўлга олишди. У одамларни ўғирлашда, психологик (руҳий) таъсир ўтказиб ўзига бўйсундиришда, уларга зўравонлик қилишда, фирибгарликда ва ўзгалар ишончини суиистеъмол қилишда айбланди.

Гонсалесни эса 2010 йилда тутишди. Баъзи бир тахминларга қараганда, аслида айнан у барча найрангбозликларинг «ижодкори» ва ташкилотчиси бўлиши мумкин. Суриштирув-тергов ҳаракатлари чоғида унинг тўртта қимматбаҳо автомобили борлиги аниқланди. Хонадонидан кўп миқдорда нақд пул, қимматли винолар ва асил моллар топилди. Тилли ҳам ундан қолишмаган экан. У Манхэттен ва Лондонда иккита хонадон сотиб олишга улгурганди.

Суд жараёнида Тьерри ўзини оқлаш учун қандай чўпчаклар ўйлаб топмади дейсиз. Суд залида икки қаторни тўлдириб ўтирган де Ведринлар хонадони вакиллари «Наҳотки, неча йиллаб шу масхарабозга алданиб юридик?!» деб ўзларига қайта-қайта савол беришарди. Ваҳоланки, уларни 2009 йилда бир гуруҳ полициячилар ва психоаналитиклар Ватанига қайтишга зўрға кўндиришган эди.

Хуллас, 2012 йилнинг ноябрида Бордо шаҳар суди Тиллини саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум этди. Ҳимоя тарафи шикоят аризаси билан мурожаат этгач, 2013 йил 4 июнида эса апелляция суди жазо муддатини яна икки йилга узайтирди. Жак Гонсалес эса тўрт йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилди. У суд ҳукми устидан шикоят қилмади. Ҳойнаҳой, янада қаттиқроқ жазога маҳкум этилишидан кўрққан бўлса керак.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Машҳурлар

ҳаётидан

ҳангомалар

БЕШГАЧА САНАШНИ БИЛМАГАН ДАҲО

Бир куни Эйнштейн трамвайда кетаётганида кондуктор йўлкира тўлашни сўради. Олим тангаларни санаб, кондукторга узатди. Кондуктор уларни қайта санаб яна беш пфенниг етмаётганлигини айтди.

– Бўлиши мумкин эмас, – эътироз билдирди физик. – Мен диққат билан санадим-ку.

– Мана, ишонмасангиз қайта санаб кўринг, – зарда қилди кондуктор.

Олим чақаларни қайта санаб, ҳақиқатан ҳам беш пфенниг камлигига ишонч ҳосил қилгач, чўнтагини кавлаштириб, йўлқирани тўлиқ қилиб берди. Кондуктор тангаларни санаб кўриб, Эйнштейнга чипта узатар экан, бошини сарак-сарак қилиб тўнғиллади:

– Шу ёшга кириб бешгача санай олмасангиз уят эмасми?

«ЭЙНШТЕЙН ҚАЙСИ ХОНАДОНДА ТУРАДИ?»

Буюк олим АҚШда яшаганида кўп қаватли уйда яшарди. Бир куни ишдан қайтгач, эшикбондан сўради:

– Кечирасиз, Эйнштейн қайси хонадонда туради?

Эшикбон ўз кулоқларига ишонмай, жавоб қайтарди:

– Жаноб, ахир, ўзингиз Эйнштейнсиз-ку!

– Буни ўзим ҳам яхши биламан, – деди хижолат чекиб буюк физик. – Фақат, хонадоним рақами ёдимдан кўтарилган эди.

ҲАЛОЛ БОЛАКАЙ

Машҳур чех адиби Ярослав Гашек поездда Бавария бўйлаб саёҳат қилаётган эди. Поезд Ржезно шаҳри вокзалида тўхтади. Гашек бу шаҳарнинг сосискалари жуда мазали деб эшитганди. Аммо пастга тушиб, емакхонага бориб, сосиска сотиб олай деса, поезднинг кетиб қолишидан чўчиди. Шунинг учун купе ойнасидан бошини чиқариб перронда юрган бир болакайни қақирди. Унга 60 пфенниг узатиб, иккита сосиска сотиб олишини илтимос қилди.

– Биттасини ўзинг ейсан, иккинчисини менга олиб келиб берасан, – деди.

Болакай пулни олиб, вокзалдаги емакхона томон югуриб кетди. Поезд жойидан жила бошлади ҳамки, боладан дарак йўқ эди. Бир пайт перронда болакай пайдо бўлиб қолди. У ҳаллослаганча югуриб келиб, сабрсизлик билан кутиб турган адибга аллақанча чақа узатиб:

– Биттагина сосиска қолган экан. Уни ўзим еб қўйдим. Қайтимини олиб кўйинг, – деди.

Рус тилидан Бобомурод ТОШЕВ таржима қилди.

Жиноятга жазо муқаррар

Ҳаёт инсонга тухфа қилинган энг яхши неъмат. Бу неъматдан қай даражада баҳраманд бўлиш унинг ўзига боғлиқ. Бошқача айтганда, ҳар бир одам ўз бахтининг меъморидир. Инсон умрини фақат ҳалоллик, тўғрилиқ сингари фазилатлар, яхши амаллар безайди, нотўғри қўйилган ҳар қандай қадам эса, алал-оқибат пушаймонликка олиб келади.

...Туш пайти. Феруза (исм-шарифлар ўзгартирилган) ёлғиз ўзи уйда, рўзғор юмушлари билан машғул, турмуш ўртоғи ишга, болалари мактабга кетган. Шу пайт эшик кўнғироғи асабий жиринг-

Гулистонлик Обид (исмлар ўзгартирилган) отасига тегишли бўлган автомашинада киракашлиқ қилиб юрарди. Дўсти Жавлон кўнғироқ қилиб, бирга Жиззахга бориб келишни илтимос қилди, йўл харажатларини тўлашини айтди. Обид йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун ҳужжатини олдириб қўйган бўлишига қарамай, машинада бориб келишга рози бўлди. Жавлон Жиззахлик таниши Дилмуроддан пул олиши керак эди. Аммо улар Дилмуродни топа олишмади.

Ишлари битмагач, уйга қайтишга мажбур бўлишди. Қайтишда Зарбдор тумани марказидан ўтишаётганда паст бўйли йигит қўл кўтариб тўхтатиб:

– Илтимос, Даштободга етиб олай, ҳадемай қоронғи тушиб қолади, – деди. Улар рози бўлишди.

Йўловчи йигит, яъни Абдор машинанинг орқа салонига жойлашиб ўтириб олди. Қўлида уяли телефон аппарати ҳамда елим халта бор эди. Машина 300-400 метрлар юргач, Обид жимликни бузиб нотаниш йигитдан телефонини кўнғироқ қилиб олиш учун бериб туришини сўради. Шунда Жавлон тўсатдан нотаниш йигитга қараб:

– Оғайни, умрингда бирор нарсангни йўқотганмисан? – деб сўради.

Йўловчи йигит «йўқ» деб жавоб берди.

– Ҳеч ёмонларга дуч келганмисан? – деганида, Абдор яна «йўқ» деб жавоб берди.

– Халтангда нима бор? – деб сўради Обид.

Жавлон жавобини ҳам кутмасдан безбетларча халтани очиб кўрсатишни талаб қилди. Лекин йигит буни хоҳламагач, олд ўриндиқдан турди-да сакраб унинг ёнига ўтди:

– Гапимга тушунмадинг, шекилли. Ҳозир сенга кўрсатиб қўяман! – дея унинг қўлидаги пакетга ёпишди.

ЎЙЛАНМАЙ ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМ

алал-оқибат пушаймонликка олиб келади

лади. Феруза шоша-пиша эшикни очди.

Йўлакда, эшик олдида чамаси ўттиз ёшлардаги нота-ниш бир йигит турарди.

– Ассалому алайкум, опа. Мен «райгаз»данман. Тўлов бўйича юрибман, – дея ўзини таништирди у.

– Яқинда тўлаганмиз, газдан умуман қарзимиз йўқ, – деди Феруза эшикни ёпмоқчи бўлиб.

– Опа, илтимос, «счётчик»-даги кўрсаткични кўриб чиқсангиз бўлди, ўзимга белгилаб оламан-у, тезда кетаман.

Феруза ноилоҳ ошхона томонга йўналди. Айнан шуни кутиб турган Ботир хонадон ичкарасини ўғринча кўздан кечириб, уйда ундан бошқа

ҳеч ким йўқлигига тўла ишонч ҳосил қилди ва олдиндан ўйлаб қўйган шум ниятини амалга оширишга шайланди. Уй бекаси ошхонадан қайтиб чиққач, газ ҳисоблагич кўрсаткичларини сохта ҳужжатига қайд этиб, ундан имзо чекишни сўради.

Кутилмаганда бўйин қисмига тушган кучли зарбдан гангиб қолган Феруза ўзига келиб, ётоқхонага қочиб кирди. Ортидан эса Ботир кириб борди. Унинг юз-кўзидаги важоҳатни кўрган аёл ёлвора бошлади:

– Илтимос, менга тегманг, қўйиб юборинг, ҳеч кимга айтмайман!..

Аммо Ботир Ферузанинг ялиниб-ёлворишларига кулоқ

кетга солиб, автоуловнинг галадонига солиб қўйди. Улар ЙПХ постига яқинлашиб қолганлиги учун машинанинг орқа эшикларини қўлфлаб қўйиб, йигитга қараб:

– Овозингни чиқара кўрма, бўлмаса йўлда ўлдириб ташлаб кетамиз, кузгунларга ем бўласан, – деб оғоҳлантиришди.

Даштобод шаҳарчасига кираверишдаги ЙПХ постига етиб келишганида Абдор

солмади. Аксинча, аввалига бақирмаслиги учун оғзига латта тиқиб, қўл-оёқларини боғлади. Сўнгра кўрқитиш йўли билан тилла тақинчоқларини, қимматбаҳо уяли алоқа телефон аппарати ва «Aser» русумли ноутбукини ҳамда 70 минг сўм пулни олиб, воқеа жойидан ғойиб бўлди.

Орадан бир неча кун ўтди. Ботир осонгина қўлга киритилган тилла тақинчоқларни 975 минг сўмга, ноутбукни 285 минг сўмга номаълум шахсларга пуллаб юборди. Уяли телефонни эса гўё меҳрибон ака сингари укасига совға қилди. Бу ҳаракатлари билан у жабрланувчига жами бўлиб 4 миллион 970 минг сўм моддий зарар етказди.

Улар Зомин туманидаги бир қишлоқдан ўтиб, яланглик томон кета бошлашди. Бу вақт Жавлон Абдорнинг қўлидан маҳкам ушлаб олганди. Бир қўлини амаллаб тортиб олган Абдор бор кучи билан машинани ойнасига мушт билан урди. Обид машинага зиён етказиб қўймасин деб, уни тўхтатди. Йигитнинг олдида ўтиб, юзига ҳамда биқинига аямай ура бошлади. Уларнинг ваҳ-

Жиноят жазосиз қолмайди. Ҳар қандай қилмиш, қингир ишнинг қийғи, албатта, чиқади. Ҳаром йўл билан пул топишни касб қилган Ботир ҳам узоққа боролмади. У ички ишлар идоралари ходимлари томонидан кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида қўлга олинди. Тергов жараёнида эса қилмишини тан олиб, бундан ғоят пушаймон эканлигини билдирди. Бироқ сўнги пушаймон...

Суд айбланувчига жазо тайинлашда жиноят ишидаги барча жиҳатларни инобатга олган ҳолда, ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади. Таассуфки, энди Ботир умрининг энг гуллаган даврини панжара ортида ўтказди.

Абдурашид АЛИШЕРОВ,
ИИБ Тергов бош бошқармаси
матбуот қотиби,
катта лейтенант.
Камол ОЛЛОЁРОВ,
журналист.

Ерда ётган нарсаларни йиғиштириб олган Абдор уяли телефонини сўраган эди. Жавлон:

– Ҳалиям ақлингни йиғиб олмадингми, қани бу ерга кел-чи! – деб уни ортидан қувлади.

Абдор уларга бас келолмаслигига амин бўлиб, қишлоқ томон қочиб қолди. Йўлда сариқ рангли машина келаётганини кўрган Абдор бир ҳолатда қўлини кўтариб уни тўхтатди. Машинадагиларга вазиятни тушунтириб, улардан ёрдам сўради. Яхши инсонлар кўмагида Даштободга етиб олган Абдор тўғри туман ИИБга бориб, ариза билан мурожаат қилди.

– Янгиерга етиб борган Обид билан Жавлон пулни бўлиб олишди, – деди Жиззах вилояти Янгиобод тумани ИИБ терговчиси, катта лейтенант Дилмурод Рустамов. – Телефон аппарати эса Обидга қолади. У уялмасдан уяли телефонни отасига совға қилади ва яна пул ҳам беради. Отаси бўлган воқеадан беҳабар ўғлини дуо қилади.

«Яхшига эргашсанг етарсан муродга, ёмонга эргашсанг қоларсан уятга», деб бекор айтишмаган. Жавлон муқаддам судланган бўлсада, ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. Ўзига яхшилик қилган Обидни ҳам йўлдан оздирди. «Ёмоннинг касофати унга яқин юрганларга ҳам уради», деб шунга айтишса керак-да.

Ариза бўйича ўтказилган тергов-суриштирув ишлари натижасида Абдорга тегишли бўлган уяли телефон аппарати ҳамда 100 минг сўм пул Обиднинг отасидан ашёвий далил сифатида олинди. Безорилар қилган жинояти учун тегишли жазога тортилди.

Гўзал ЖАФАРОВА.
Жиззах вилояти.

ЁМОННИНГ КАСОФАТИ



Абдор жон-жаҳди билан халтани ғижимлаб бағрига босди. Обид машинани тўхтатиб, пастга тушди. Абдорнинг ўнг тарафидан келиб, уни иккови икки томондан сиқувга олишди. Аямай дўппослашгач, у мажбуран халтани очиб, ичидаги суратларни ҳамда ўзи ишлаб топган етти юз минг сўм пулини кўрсатди.

– Шуни бир марта айтганда кўрсатсанг бўлмасмиди?! – деб Обид йигитнинг юзига бир мушт туширди ва машинани ҳайдашда давом этди. Бир оздан сўнг жимликни яна Жавлон бузиб:

– Биз орган одамимиз, Жиззах шаҳрида бир қизнинг пуллари йўқолган, шуни текшириб юрибмиз. Пуллари яхшиликча бер, бориб текшириб кўрамиз, айбинг бўлмаса, сени қўйиб юборамиз, – деди.

Абдордан яна садо чиқмагач, йигитнинг юзига тағин бир мушт тушириб, қўлидаги пакетни тортиб олди-да, уяли телефонини ҳам шу па-

машинадан тушишга ҳаракат қилди, лекин эшик очилмади. Икки нафар йўл-патруль хизмати ходимини кўриб, уларга қараб, ойнага қўли билан урди. Обид машинани тўхтатмай ўтиб кетганлиги учун постда турган ходимлар буни сезишмади. Шундан сўнг Жавлон йигитга қараб:

– Сен яна ўзингдан кетаяпсан, бу йигитлар ҳам ўзимизни одамлар, – деб дўқ урди ва Обидга қараб машинани дала томонга ҳайдашини айтди.

шийларча дўппослашидан кўрққан Абдор:

– Мана, ҳамма нарсамни олинглар. Мен розиман, фақат мени қўйиб юборсанглар бўлди, – деб ялинди.

Калтаклар оқибатида унинг бурни қонаб кетди. Салоннинг ўриндиқлари ҳамда ойнасига қон сачраб кетганини кўрган Обид уни судраб пастга туширди-да, паспорти ҳамда расмларини олдида отиб юбориб:

– Йўқол бу ердан, кўзимга кўринма, – деб дағдага қилди.

▼ Умидли ёшлар

ҲАЛИ ҲАММАСИ ОЛДИНДА

Бир гал Ўзбекистон Республикаси ИИБ хузуридаги Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабида бўлганимизда, ушбу таълим муассасаси директорининг ўринбосари лейтенант А. Исанов мақсадимизни эшитиб бир оз ўйланиб турди. Сўнг икки ёш полвон билан суҳбатлашишни таклиф қилди.

– Улар мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келишган бўлсалар ҳам битта мақсад – юртимиз довуғини дунёга ёйиш йўлида ҳаракат қилишмоқда, – деди у.

Икки қадрдон дўст билан шу тариқа танишгандик. Улар суҳбат аввалида бир оз ҳаяжонланишди, тортииб туришди. Бу табиий ҳол. Чунки ҳар куни журналистнинг саволларига жавоб беришлари тўғри келавермайди-ку. Бир оздан сўнг ҳар иккаласи ҳам ўзларини қўлга олиб, саволларга дадил, дона-дона жавоб қайтара бошлашди. Хуллас, самимий, дўстона суҳбатлашдик.

– Биз республика олимпия захиралари мактабида танишган эдик, – дея ҳикоя қилди Феруз Тўхтаев. – Дарров дўстлаша қолдик. Ҳар гал суҳбатимиз қизиқарли кечарди. Турли мавзуларда ўзаро фикр алмашардик. Машқларда, мусобақаларда бирга қатнашганимиз ҳақида-ку гапириб ўтирмай.

Феруз Бухоро вилоятининг Вобкент туманида туғилди. У оилада беш фарзанднинг энг кичиги эди. Аммо баъзи бир кенжатоиларга ўхшаб эрка-тантқиқ бўлиб ўсмади. Аксинча, катталарнинг айтганини бекаму кўст бажарар, меҳнатдан қочмасди. Уй-рўзғор юмушларида ота-онасига қарашарди.

Катта акаси Хуршид ўз вақтида юнон-рум кураши бўйича номдор полвон, спорт устаси эди. Ҳатто ушбу спорт тури бўйича Ўзбекистон Республикаси терма жамоаси таркибидан халқаро мусобақаларда иштирок этарди. У Ферузга мазкур спорт тури билан шуғулланишни маслаҳат берди. Кейинроқ укасини тумандаги спорт мактаб-интернатига бошлаб келди.

– Кураш зали остонасидан ҳатлаб ўтган биринчи кунимданок ичкарида машқ қилаётган ёшлар турли усулларни маҳорат билан бажаришга ўргатганини кўриб, юнон-рум курашини севиб қолдим, – дея хотирлайди Феруз Тўхтаев. – Омадим шунда эдики, тажрибали мураббий Шаҳобиддин ака Жумаевга шогирд тушдим. Устозим аввал мен билан дилдан суҳбатлашдилар. Сўнг гиламга тушиб, ўз кучим ва қобилиятимни намойиш этишимни сўрадилар. Бажону дил рози

бўлдим. Энди ўйласам, ўша пайтлари ҳали гўр эдим. Кураш техникаси ва тактикасини билмасдим. Шунга қарамай устозим ҳаракатларимни синчиклаб кузатиб турдилар-да: «Бўладиган болага ўхшайсан, машғулотларга қатнашайвер», деб далда бердилар, кўнглимни кўтар-


вазн тоифасида биринчи ўринни эгаллади. Бу осон бўлмади, албатта. Рақиби ниҳоятда кучли, абжир эди. Аммо лавҳамиз қаҳрамони охир-оқибат тиришиб-тирмашиб ундан кўра абжирроқ, қатъиятлироқ эканлигини исботлади – рақибининг елкасини ерга

интилишга, асло ортга чекинмасликка аҳд қилдим.

Орадан бир йил ўтиб Феруз Ҳиндистонда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида ёрқин ғалабани қўлга киритди. Шундан сўнг уни юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоасига таклиф этишди. 2010 йилда эса у Хитоёда бўлиб ўтган Осиё чемпионатидан бронза медал билан қайтди. Кейинги йили Алмати шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида яна учинчи ўрин соҳиби бўлди. Туркия, Озарбайжонда ташкил этилган турнирларда ҳам зафар қозонди.

– Дўстим билан тақдиримиз ўхшаш, – дея суҳбатимизга қўшилади Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманилик ёш полвон Нурбек Холмуҳаммадов. – Мен ҳам оилада бешинчи – энг кичик фарзандман. Ота-онамиз бизни меҳнатсевар, тиришқоқ қилиб, катталарга ҳурмат руҳида тарбиялашган.

Отаси Холмуҳаммад ака оддий деҳқон бўлса-да, Нурбекдан азамат полвон чиқишига кўзи етди. Шунинг учун унга юнон-рум кураши билан шуғулланишни маслаҳат берди. Биринчи устози Акбар Қувондиқов эса унга синовчан тикилиб: «Машғулотларга қатнашайвер-чи. Бу ёғини вақт кўрсатади», деди. Бир қарашда ўта-та-



теккизиб, соф ғалабага эришди. Шундан сўнг унинг учун омадли йиллар бошланди.

– Ғалабамдан ота-онамининг қанчалик қувонганларини кўрсангиз эди, – дея ҳикоя қилишда давом этади Феруз. – Хонадонимизга кутлагани қариндошларимиз, таниш-билишларимиз, маҳалладошларимиз келишди. Ўша кунлари ютуғимдан қувонган, менга ишонган бу инсонларнинг ишончини бундан буюн ҳам оқлашим лозимлигини англаб етдим. Шундан сўнг фақат олға

дилар. Ҳаммасини осонликча ўргандим десам, ёлғон гапирган бўламан. Бошда кўплаб қийинчиликларга дуч келдим. Баъзан ҳатто умидсизликка ҳам тушардим. Аммо тинимсиз машқлар аста-секин ўз натижасини бера бошлади. Кундан-кунга ўзимга ишончим ортарди. Бора-бора гиламга дадил чиқаётган бўлдим.

Феруз Тўхтаев илк ғалабасини 2008 йилда қўлга киритди. Ўшанда Навоий шаҳрида бўлиб ўтган республика чемпионатида ўз

лабчандек туюладиган бу мураббий шогирдларидан меҳрини ҳам аямасди. Шунинг учун бўлса керак, Нурбек ҳозир ҳам туғилган гўшасига келганида, албатта устози билан кўришиб, унинг қимматли маслаҳатларини олади.

2002 йилда Самарқанд шаҳрида юнон-рум кураши бўйича ўтказилган республика турнири Нурбек учун омад эшигини очди. У мусобақаларда иккинчи ўринни эгаллади. Кейин яна шу шаҳарда бўлиб ўтган халқаро турнирда шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Тошкентда ташкил этилган Осиё чемпионатида эса олтин медални қўлга киритди. У ғалаба қозонган нуфузли халқаро мусобақалар рўйхатини яна узок давом эттириш мумкин.

Бугунги кунда икки қадрдон дўст ИИБ хузуридаги Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабида тажрибали устозлардан таҳсил олиб, ўз маҳоратларини оширишмоқда. Улар бизнинг фахримиз-ифтихоримиз, эртанги кундан умидимиз. Орзу-умидларимизни рўёбга чиқаришлари, бундан ҳам улкан ғалабаларни қўлга киритишлари учун эса ҳали кўп меҳнат қилишлари, машаққатларни енгиб ўтишлари лозим. Буни иккови ҳам жуда яхши билишади. Шунинг учун эришган ютуқларидан манманликка берилмай, тинимсиз машқ қилишмоқда. Уларга ҳаммаша омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Георгий ПЕТРОСЯН,
Шавкат ҚАҲҲОРОВ
олган сурат.

▼ Шарқ яккакураши

ҚИТЪА ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛЛАНМА

Мамлакатимизда спортнинг шарқ яккакураши йил сайин ривожланиб, унинг турлари бўйича шуғулланганлар сони ортиб бормоқда. Жумладан, республика ички ишлар идоралари, хусусан ушбу спорт тури билан шуғулланувчи Транспортдаги ИИБ ходимлари нуфузли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқдалар.

Тошкент вилоятининг Олмалик шаҳрида бўлиб ўтган шарқ яккакурашининг «Комбат айкидо» йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси чемпионатида Транспортдаги ИИБ спортчи-ходимлари ҳам фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритишди. Чунончи, 80 килограммликлар баҳсида Бухоро темир йўл бекати тармоқ ИИБ ППХ милиционерни, сафдор Миршод Тоғаев дастлаб Олмалик шаҳри вакили билан гиламга чиқиб, ғалабага эришди. Жиззах вилоятидан келган иккинчи рақиби ҳам унинг маҳоратига тан берди. Учунчи бўлиб гиламга чиққан самарқандлик курашчини ҳам мағлубиятга учратган Миршод финалда Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти вакили билан куч синашди. Вакилимиз устозларидан ўрганган усулларини қўллаб, ғолиб бўлди. Ҳакам унинг қўлини баланд кўтарганда залда олқишлар тўлиб кетди. Унинг медаллари қаторига яна бир олтин медал қўшилди.

70 килограммликлар вазнида гиламга чиққан Қарши темир йўл бекати тармоқ ИИБ ҲООБ инспектори, лейтенант Фирдавс Исомов ҳам олтин медал соҳиби бўлди. У дастлаб қаш-



лоят вакилининг қўли баланд келарди бўлса-да, Фирдавс усталик билан уни ҳам мағлубиятга учрата олди. 60 килограммлик спортчилар билан курашган Тошкент темир йўл бекати тармоқ ИИБ реабилитация маркази взвод командири, кичик сержант Элёр Отакуловга кумуш медал насиб этди. Курашчимиз аввал сирдарёлик, кейин наманганлик рақибларини енгиб, финалга чиқди. Ҳал қилувчи беллашувда Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти вакили очколар бўйича ҳамкасбимиздан устун келди.

Шарқ яккакурашининг «Комбат айкидо» йўналиши бўйича республика чемпионатида муносиб иштирок этган учала ҳамкасбимиз Осиё чемпионатида йўлланмани қўлга киритди.

Қосимжон САТТОРОВ,
подполковник.

Суратда: Ф. Исомов (чапдан), Э. Отакулов ва М. Тоғаев.

БЕЛЛАШУВЛАР
ДАВОМ ЭТМОҚДА

Урганч Олимпия захиралари коллежининг спорт залида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ўртасида мини-футбол бўйича вилоят биринчилиги бошланди. Бунда банк инкасаторлари ва чегарачилар ўртасидаги мусобақа ниҳоятда қизиқарли, кескин баҳсларга бой бўлди. Дарвоза тўрига киритилган кетма-кет тўплар ҳар иккала жамоанинг ҳам беллашувга пухта тайёргарлик кўрганлигидан дарак бериб турарди. Бироқ ўйин тугашига санокли дақиқалар қолганида банк инкасаторларидан иборат бўлган жамоа вакиллари дарвозага ғалаба тўпини киритишди.

Шунингдек, куннинг иккинчи ярмида майдонга тушган вилоят МХХБ ҳамда ички ишлар бошқармаси жамоалари ҳам дастлабки ғалабани қўлга киритишди.

Мусобақа тақвимида кўра, ушбу беллашув бир ой давомида ўтказилиб, шундан сўнг кўчма кубок соҳиби аниқланиши режалаштирилган.

Х. РАЗЗОҚОВ.
Хоразм вилояти.

Хуқуқий маслаҳатхона

МОНИТОР НАРХИНИ ТўЛАЙМАНМИ?

? – Мен ўзимга бириктирилган компьютер мониторинги бехосдан иш столимдан тушириб юбордим. Натижада у синди. Иш берувчи яроқсиз аҳволга келган монитор нархини тўлашимни талаб қилмоқда. Шу тўғрими?

! – Амалдаги Меҳнат кодексида (199-модда) ходимнинг моддий жавобгарлигини истисно этувчи ҳолатлар назарда тутилган. Яъни, агар зарар, уни бар тараф этиш мумкин бўлмаган кучлар, нормал хўжалик таваккалчилиги оқибатида, охириги зарурат ёки зарурий мудофаа натижасида келиб чиққан бўлса, ходимнинг моддий жавобгарлиги истисно этилади.

Иш берувчининг мулкига «бехосдан» зарар етказиш юқорида санаб ўтилган истисно этувчи ҳолатлар сирасига кирмайди. Шунинг учун иш берувчи бевосита келтирилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақлидир. Бевосита етказилган ҳақиқий зарар деганда иш берувчининг мавжуд мол-мулки (шу жумладан, иш берувчи учинчи шахслардан ижарага олган мол-мулк) амалда камайганлиги ёки ёмон ҳолатга келганлиги, шунингдек иш берувчининг ортиқча тўловлар қилиш зарурати тушунилади.

Ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарар учун ҳам, иш берувчи бошқа шахсларга етказилган зарарни тўлаши натижасида келиб чиққан зарар учун ҳам моддий жавобгар бўлади. Бевосита етказилган зарарни ундиришнинг бир қатор тартиб-қоидалари бордирки, иш берувчи уларга амал қилишга мажбурдир.

Биринчидан, иш берувчи зарарни муайян ходимлардан ундириш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин етказилган зарар миқдорини белгилаш ва унинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш мақсадида текшириш ўтказиши шарт. Бундай текшириш ўтказилиши учун иш берувчи тегишли мутахассислар иштирокида комиссия тузишга ҳақли.

Зарарнинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш учун ходимдан тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бўйин товлаши иш берувчи уни етказилган зарар учун моддий жавобгарликка тортишига моне бўла олмайди. Ходим барча текшириш материаллари билан танишиш ҳуқуқига эга.

Иккинчидан, иш берувчига етказилган зарар миқдори ҳақиқий йўқотишлар бўйича бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида белгиланади. Иш берувчининг асосий фондларга (воситаларга) тааллуқли мол-мулкига етказилган зарар миқдори моддий қимматликларнинг баланс қийматидан (таннарихидан) эскириш қийматини белгиланган нормалар бўйича чегириб ташлаган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Хуршид ТўЛҚИНОВ.
Тошкент шаҳри.

Иш берувчининг асосий воситаларга тааллуқли мол-мулки талон-тарож қилинган, камомат бўлган, қасддан йўқ қилинган ёки қасддан бузилган тақдирда, шунингдек бошқа ҳолларда зарар миқдори ваколатли орган томонидан иш қўрилган куни шу жойда амалда бўлган бозор нархлари бўйича ҳисобланади.

Учинчидан, ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда етказилган зарар суммаси айбдор ходимдан иш берувчининг фармойишига мувофиқ ундирилади. Фармойиш зарар етказилганлиги аниқланган кундан бошлаб бир ой ичида чиқарилиши мумкин. Етказилган зарарнинг ходимдан ундирилиши лозим бўлган суммаси унинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошиб кетса ёки зарар аниқланган кундан кейин бир ойлик муддат ўтган бўлса, зарар суд тартибидан ундирилади.

Агар сиз хизмат вазифангиз доирасида тўлиқ моддий жавобгар шахс бўлсангиз, унда иш берувчига етказган зарарингиз учун юқорида айтиб ўтилганидек ўртача ойлик иш ҳақингиз миқдорида жавобгар бўлишингиз мумкин.

Бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилаётган ходим махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади. Пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилиш хизмат вази-фасига кирмайдиган ходим билан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида тузилган шартнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиладиган ходимларнинг тоифалари рўйхати жамоа шартномасида белгилаб қўйилади, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи билан касба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган, жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин бўлган бўлимларнинг рўйхати ҳам худди шундай тартибда белгиланади.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, Меҳнат кодексининг 200-моддасига асосан иш берувчи зарар етказилган чоғдаги аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб, айбдор ходимдан зарарни ундиришдан қисман ёки тўлиқ воз кечишга ҳақли. Давлат мулки шаклидаги корхоналарда ана шундай қарор, агар у жамоа шартномасида назарда тутилган бўлса, қабул қилиниши мумкин. Бундай ҳолда етказилган зарар корхона фойдаси ҳисобидан қопланади.

Ушбу саволга ҳуқуқшунос Ҳамидулла ПРЕМҚУЛОВ жавоб берди.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

<p>ИИБ Академияси раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вазирлик Академияси кафедра ўқитувчиси, катта лейтенант Мамарасул Умματοςга падари бузруквори ТУРСУНЖОН отанинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.</p>	<p>ИИБ Академияси раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вазирлик Академияси кафедра бошлиғи, полковник Бахтиёр Зокировга опаси ЖОНОН аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.</p>
<p>Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги майор Каримбой Худойбергандовга ўғли Хушнуд ХУДОЙБЕРГАНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.</p>	<p>Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги майор СОДИРЖОН РАҲИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.</p>
<p>Транспортдаги ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Республика темир йўлларида нефть маҳсулотлари ташилишини кузатиш бўйича алоҳида милиция батальони командири, подполковник Фарҳод Расуловга падари бузруквори АБДУҚАҲҲОР отанинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.</p>	

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

Кўй
Янги иш бошлашингиз учун ҳам, илгари бошлаганларингизни давом эттириш учун ҳам қулай ҳафта. Мабодо иккилансангиз, чўчисангиз, «Кўз – кўрқоқ, кўл – ботир» деган мақолни эсланг. Ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга куч-қувватингиз ҳам, малакангиз ҳам етарли. Фақат бир жойда тўхтаб қолманг, дадил олға интилинг. Ҳозир билимингизни оширишнинг айна пайти.

СИГИР
Мансабингиз ошиши, молиявий аҳволингиз яхшилиниши мумкин. Бунинг учун ўзингизни қаттиқ уринтиришингиз ҳам шарт эмас. Фақат куч ва имкониятларингизни оқилона ишлатсангиз бас. Вазиятга қараб иш кўринг. Рўзғор учун фойдали буюмлар харид қилишингиз мумкин. Соғлигингизга эътиборли бўлинг. Айниқса, ҳафта охирида муолажалар ниҳоятда самарали бўлади.

ЭГИЗАКЛАР
Оилавий келишмовчиликлар юз бериши эҳтимоли бор. Ҳозир танишлар орттириш, янги иш бошлаш учун унчалик қулай пайт эмас. Хаёлингизда анча-мунча гоғлар кезиб юрибди. Уларни амалга оширишни истасангиз, кучингизни фойдали томонга йўналтиринг. Бошқалар билан ҳамкорлик қилинг. Ҳар қандай вазиятда ҳам ўзингизни қўлга олинг, эҳтиёткорликни унутманг.

ҚИСҚИЧБАҚА
Молиявий маблағларингизни иложи бори-ча тежаб-тергаб сарфланг. Шубҳаларга чек қўйинг. Ҳавойи хаёлларга берилманг. Акс ҳолда алданиб қоласиз. Мухим қарорлар қабул қилишга масъулият билан ёндашинг. Камроқ гапириб, кўпроқ ҳаракат қилинг. Ушбу ҳафтада ўз фикрингизни аниқ ифодалаш, таклиф ва гоғларингизни бошқаларга ишонарли тарзда етказишингиз қийин кечади.

АРСЛОН
«Ё остидан, ё устидан». Ана шу ибора ҳозирги вазиятга мос келса керак. Бу авваламбор молиявий ишларингизга тааллуқли. Масалан, жудаям қимматли асил мол ёки сифатсиз, бир пулга қиммат нарса харид қилиб қўясиз. Сармомангизни фойдали ёки шубҳали лойиҳага тикасиз. Ҳаммаси тўғри танлашингизга боғлиқ. Хуллас, эҳтиёт бўлинг. Балки, муҳим қарорларни кейинроқ қабул қилганингиз маъқулдир.

ПАРИЗОД
Оғир-босиқ бўлинг. Ҳозир шошма-шошарлик қилишнинг мавриди эмас. Бирор иш режалаштирган бўлсангиз, уни иложи бори-ча шахсан ўзингиз пухтали билан амалга оширинг. Умуман, ҳафта мустақил фаолият юритишингиз учун қулай. Узингиз севган машғулот билан шуғулланг. Имкон қадар ҳамкорликда амалга ошириладиган лойиҳаларга қўшилманг.

ТАРОЗИ
Ўзингиз учун янги фаолият йўналишини, бошқаларнинг тажрибасини ўзлаштиришингизга тўғри келади. Кейинчалик бу ҳаётингизда жудаям асқотади. Сафарларга чиқишингиз, янги одамлар билан мулоқотда бўлишингиз мумкин. Ҳафта охирида ижобий жиҳатларингизни намён этишингиз лозим. Молиявий фаолиятингизни ривожлантириш учун ҳозир замин яратасиз.

ЧАЁН
Ушбу ҳафтада асосан интеллектуал фаолиятда муваффақият қозонасиз. Ижод, ҳисоб-ки-тоб билан шуғулланишингиз, келгуси ишлар режасини тузишингиз мумкин. Аммо режаларни амалга оширишга ҳали эрта. Мабодо бунга уринсангиз ҳам, кўзлаган натижаларингизга эришингиз мушкул. Бошқалар билан камроқ мулоқот қилинг. Чунки бахслашиб қолишингиз эҳтимолдан холи эмас.

ЁЙ
Фикрларингизни бир жойга жамланг. Ҳозиргача кўпгина ишларни амалга оширдигиз. Энди уларнинг самарасидан баҳраманд бўлинг. Ушбу ҳафтада таллашиб-тортишингиз, ўз нуқтаи назарингизни ҳимоя қилишингиз шарт эмас. Фақат фаолиятингизни, унинг натижаларини таҳлил қилиб, тегишли хулосалар чиқаринг. Шунда фикрларингиз тиниқлашиб, руҳан ором оласиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ
Қатъиятли ва мулоҳазакор бўлинг. Йўқса шахсий ҳаётингизда юз берадиган арзimas келишмовчиликлардан умидсизликка тушасиз. Ушбу ҳафтада юз берадиган воқеалар сизга туюлганчалик нохуш, хавотирли эмас. Гап шундаки, ўзингизга малол келадиган ишлар билан шуғулланманг. Янги иш бошлашга кўрқманг. Ярим йўлда тўхтаб қолманг. Шунда бахтингизни топасиз.

ҚОВҒА
Дунё ташвишларини унутинг. Ўзингиз хоҳламаган, оёғингиз тортмаган учрашувларга, меҳмондорчиликларга борманг. Бўлар-бўлмасга кайфиятингизни бузаверманг. Асосий вақтингизни кўнгилли дам олишга бағишланг. Мухим воқеалардан беҳабар қоламан деб асло кўрқманг. Ҳаёт оқими бўйича сузиб кетаверинг. Шунда ҳамма ишлар ўзингиз хоҳлаганингиздек ривожланади.

БАЛИҚ
Мазкур ҳафтада ўзингизни кўп ҳам уринтирманг. Асосан хоҳиш-истакларингизни амалга оширишга ҳаракат қилинг. Ички уйғунликка интилинг. Бадбин хаёлларга берилманг. Юзага келган вазият кучингизни беҳуда сарфламасликка имкон беради. Ўзингизга алоқаси бўлмаган ишларга аралашманг. Турли мишларга эътибор берманг. Шунда тинч-хотиржам бўласиз.

Аждодларга эҳтиром

Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бу икки улуғ сиймо ҳаётда бир-бирини кўрмаган бўлишса-да, руҳан яқин бўлишган. Уларнинг инсонийлик, ватанпарварлик, соф муҳаббат каби туйғуларни тараннум этган асарлари неча асрларки, ўз қийматини йўқотмай, юксак даражада қадрланиб келинади. Уларнинг ҳаёт йўли ҳам шукроналик, ватанни қадрлаш, инсонлар ўртасида меҳроқибат каби фазилатларнинг тенгсиз намунасидир. Мазкур ташунчаларни ҳар биш авлод онгига чуқур сингдириш, бу улуғ мутафаккирларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш миллий маънавиятимизни янада камол топтиришнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади.



УЛУҒ СИЙМОЛАР – АВЛОДЛАР ИФТИХОРИ

Улуғ мутафаккирларнинг таваллуд кунини таваллуд билан республика ИИВ Академиясида бўлиб ўтган «Мумтоз адабиётда маънавий тарбия» мавзусидаги бадиий-маърифий кечада ҳам айнан шулар ҳақида сўз борди. Унда Академиянинг профессор-ўқитувчилари,

тингловчи ва курсантларидан ташқари, таникли ижодкорлар, адабиётшунос олимлар иштирок этди. Даставвал ИИВ Академияси тиллар ва адабиёт кафедраси бошлиғи, подполковник М. Рустамов Навоий ҳамда Бобур ҳаёти ва ижоди, бой илмий меросларининг маънавиятимизни шакллантиришдаги аҳамияти хусусида сўзлаб берди.

Шунингдек, кечада Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, таникли шоир Шукур Қурбон ва бошқа ижодкорлар, адабиётшунос олимларнинг маърузалари тингланди. Мутафаккирларга бағишланган шеърлар айтилди, Бобурнинг ватан соғинчи билан

ёзилган ғазалларидан намуналар ўқилди.

Тингловчилар томонидан Навоий ва Бобур ғазаллари ўзбек, рус, инглиз ва немис тилларида ўқилиши барчани тўлқинлантириб юборди. Бу, ўз навбатида, бўлажак осойишталик посбонлари томонидан адабиётимизга юксак эътибор қаратилаётганининг ифодаси бўлди. ИИВ Академияси оркестри қошидаги ансамбль хонандалари Навоий ва Бобур ғазаллари билан айтилаётган кўшиқлардан ижро этиб, тадбирга байрамона руҳ бағишлади. Мазкур тадбир бўлажак осойишталик посбонларининг маънавий-маърифий билимларини янада мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшишига шубҳа йўқ.

Иномжон РАХИМХУҲАЕВ, сержант. Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

БУЮК МУТАФАККИРЛАРГА ТАЪЗИМ

Ички ишлар идоралари ходимларининг маънавиятини бойитишда, уларнинг Ватанга, хизмат бурчига содиқлигини оширишда вазирлик тизимида ҳар ҳафтада ўтказиб келинаётган маърифат ва сиёсий ўқиш дарсларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Айниқса, жаҳон тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимиз, улуғ мутафаккирларнинг ҳаёт йўли ва ижоди тўғрисидаги бундай дарслар ходимлар учун фойдадан холи бўлмапти, дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Маданият саройида бўлиб ўтган маърифат ва сиёсий ўқиш дарси ғазал мулкининг султони, давлат арбоби Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланди. Вазирлик ҳузуридаги «Кўриқлаш» бирлашмаси, алоҳида милиция батальони ҳамда «Мустақиллик» майдони ва мазкур ҳудудда жойлашган маъмурий биноларни кўриқлаш бўйича комендатураси шахсий таркиби иштирок этган тадбирга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, филология фанлари доктори Нусратулла Жумаҳўжа ва Бобур номидаги жамоат фонди раиси, профессор Зокиржон Машрабов таклиф этилди.

Тадбир аввалида филология фанлари доктори Нусратулла Жумаҳўжа сўзга чиқиб, Навоийнинг ватанпарварлик, инсонийлик, халқпарварлик гоёлари акс этган ғазалларидан намуналар ўқиди. Халқ орасида ёд бўлиб кетган кўплаб ғазал ва рубоий-

ларини шарҳлаб, неча асрлар ўтса-да, ўз аҳамиятини йўқотмаётганини, инсониятни эзгуликка, ҳамжиҳатликка, илму маърифатга қорлаб келаётганини таъкидлади.

Шундан сўнг Бобур номидаги жамоат фонди раиси Зокиржон Машрабов Бобур сиймосига, унинг халқимиз ҳаётида тутган ўрнига тўхталди. Хусусан, маърузачининг Халқаро Бобур экспедицияси аъзолари томонидан шоир ва унинг авлодларига тегишли экспонатларни топиш, юртимизга олиб келишга оид ҳикоялари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Профессор З. Машрабов ўзи билан олиб келган бир неча китобларни вазирлик кутубхонасига тақдим этди.

ИИВ Маданият саройи ашула ва рақс ансамбли хонандалари ижросидаги куй-кўшиқлар, Навоий ҳамда Бобур қаламига мансуб ғазаллардан намуналар ўқилгани тадбирга ўзгача шуқуқ бағишлади.


Ўз мухбиримиз.



КРИПТОГРАММА

- Калит сўзлар:**
1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган шаҳар – 3, 1, 4, 2, 19, 7, 1.
 2. Бобурнинг фарзанди, замонасининг етук шоири – 15, 7, 18, 6, 7, 1.
 3. Шоирнинг қизи, «Хумоюннома» асарини ёзиб қолдирган ўрта аср шарқда биринчи тарихчи олима аёл – 13, 16, 8, 5, 3, 4, 3, 1, 5, 10, 13, 2, 18.
 4. Аллома ижодкор ҳомийлик қилган мумтоз мусаввир – 5, 10, 12, 17, 7, 4.
 5. Бобур ҳикматидан: «Бировнинг ким бировдин кўнгли қолур, 15, 2, 23, 2 юз 20, 14, 17 ила кўнглин олур».
 6. Мумтоз адабиётда бир байтдан иборат мустақил шеър – 21, 3, 6, 4.
 7. Ҳикматдан: 11, 2, 1 сўз мўътабар, Яхши сўз мухтасар.
 8. Тўрт мисрадан иборат, тугал маъно ифодаловчи мустақил шеър – 6, 16, 5, 7, 2, 22.
 9. Жисмоний, моддий, маънавий имконият, қувват – 9, 16, 6, 5. Энди калит сўзлари жавоблари асосида шаклдаги рақамларда ифодаланган криптограммани ҳал этинг. Бунда улардан Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёзиб қолдирган ҳикматли сўз, шакл атрофида шоирнинг тўртта асари номи аён бўлади.

Хусан ОРИПОВ тузди.



Имтиҳон бўлаяпти. Талаба жавоб бериш учун ўқитувчининг олдига келди. Қўлида иккитагина қисқа гап ёзилган бир парча қоғоз. Ўқитувчи ҳайрон бўлиб сўради:

– Бутун бошли учта саволга бор-йўқ жавобингиз шугинами?!

Талаба:
– Йўғ-е, домла. Қолгани миямда. Бу миямга сигмай қолгани.

Эркак киши балиқ ови чоғида соатлаб қармоқнинг пўкагига тикилиб ўтириши мумкин. Лекин меҳмонга отланишаётганида хотинининг кийиниб, ўзига оро беришини 15 дақиқадан ортиқ хотиржам кутишга тоқати етмайди. Чунки вақтдан вақтнинг фарқи бор-да.

- Ўртоқ аскар, нима қилаяпсиз?
- Буйруғингизни бажараяпман, ўртоқ сержант!
- Мен ҳеч нима буюрганим йўқ-ку!
- Мен ҳам ҳеч нима қилаётганим йўқ...

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHIRIYATI

Bosh muharrir o'rinbosari – **Qobiljon SHOKIROV**
Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**

MUASSIS: **ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**

Navbatchi – **Foziljon MAMASHARIPOV**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

TELEFONLAR: 231-33-88;
Faks: 255-31-39.



Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001,
MFO 00420.
ATIB
«Ipotekabank»
Mirobod tuman bo'limi.
INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Postda»dan olinganligi ko'rsatilishi shart.

«Ўзбекистон» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kuni chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №S-2135. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 69940 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakkartaftibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 22.00. Bosishga topshirildi – 21.00. Bahosi kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ: 100070, Toshkent, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi, 1-uy.